БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 98 (329)

18 МАЙ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

В. М. Молотов Москвага қайтиб келди (1-нчи бет).
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-нчи бет).
Кремльда саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши (1-нчи бет).
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА (1-нчи бет).
Янги заёмга ёзилиш зўр муваффақият блан давом этмоқда (2-нчи бет).
ФЕЛЬЕТОН: **Ш. Кузанбоев.**—Юлғич ошналар (2-нчи бет).
Барча экинларни юқори сифатли парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратайлик! (3-нчи бет).
В. М. Молотовнинг Венада бўлиши (4-нчи бет).
В. М. Молотов Венадан жўнаб кетди (4-нчи бет).
Варшава Кенгашининг якунлари тўғрисида четэл матбуотининг ёзганлари (4-нчи бет)
Жаҳон Касаба союзлари федерацияси Ижроия бюросининг сессияси (4-нчи бет).
ХХР юристлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши (4-нчи бет).
ВРАЧ МАСЛАҲАТИ: **М. Қодирова.**—Болаларнинг саломатлигини сақлайлик (4-нчи бет).

Партиявий-ташкилий ишларнинг савиясини янада яхшилайлик

Социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш базасида бутун халқ хўжалигини янада юксалтириш, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини ошириш вазифаси ҳал этилаётган ҳозирги пайтда партия органларининг раҳбарлик иш услубини такомиллаштириш, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни партиянинг янги вазифалари даражасига кўтариш жуда катта аҳамиятга эгадир. Саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг маданий-маиший аҳволини яхшилаш соҳасида Коммунистик партия томонидан совет халқи олдига қўйилган улугвор вазифаларни партиявий-ташкилий ишларни жиддий равишда яхшиламасдан туриб муваффақиятли бажариш мумкин эмас.

Партиявий-ташкилий ишларнинг савиясини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтариш КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шартидир. Бизнинг партиямиз ташкилий раҳбарликни сиёсий раҳбарлик даражасига кўтаришга, ташкилий ишлар воситаси блан партия сиёсати ва қарорларининг амалга оширилишини тўла та'минлашга ҳардоим катта э'тибор бериб келмоқда. Чунки, хўжалик соҳасидаги муваффақиятлар, бу муваффақиятларнинг барқарор бўлиб узоқ давом этиши партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг муваффақиятига бутунича ва тамомила боғлиқдир.

«Ғалаба ҳеҳқачон ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, — деб та'лим берган эди И. В. Сталин, — одатда уни ҳаракат қилиб қўлга киритадилар. Партиянинг бош йўлини ёқлаб яхши резолюциялар чиқариш ва декларациялар тузиш — ишнинг фақат бошланишидир, чунки улар ғалабанинг ўзини эмас, балки, ғалабага эришиш истагинигина кўрсатади. Тўғри йўл чизиб берилганидан кейин, масала тўғри ҳал қилинганидан кейин, ишнинг муваффақияти ташкилий ишга, партия йўлини амалга ошириш учун курашни уюштиришга, одамларни тўғри танлашга, раҳбар органларнинг қарорлари қандай бажарилаётганини текширишга боғлиқдир».

Область партия ташкилоти И. В. Сталиннинг бу кўрсатмасига амал қилиб, партиявий-ташкилий ишларни яхши йўлга қўйишда, давлат ва хўжалик ишларига раҳбарлик методларини такомиллаштиришда анча иш қилди. Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун курашиб, кейинги вақтларда хўжаликка раҳбарлик қилишни бирмунча яхшиладилар, омма орасида ташкилий ва сиёсий ишларни ма'лум даражада кучайтиришга муваффақ бўлдилар. Броқ, хўжаликка ва маданий қурилиш ишларига партиявий раҳбарликнинг савияси, шунингдек партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг савияси ҳали ҳам турмуш талабларидан, партия томонидан қўйилаётган вазифалардан кейинда қолаётганлигини кўрсатиб ўтиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган ва яқинда Тошкентда бўлиб ўтган партия ходимларининг республика кенгаши шуни кўрсатдики, кўпгина партия ташкилотларининг иш фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар бор. Ба'зибир район партия комитетларининг иш методларида расмиятчилик, канцеляриячилик кўп ўрин олади, асосий масалага — кишилар орасида жонли ташкилий иш олиб бориш, оператив ва конкрет раҳбарлик қилишга камдан-кам э'тибор берилади. Масалан, Ховос ва Гулистон район партия комитетларининг иш услубида ана шундай камчиликлар мавжуддир. Район партия комитетларининг секретарьлари Мирдадаев ва Тўрабеков ўртоқлар ҳали ҳам қотозбозликка интиладилар, мажлисбозликни яхши кўрадилар, жонли ташкилий иш олиб бориш ўрнига жуда кўп резолюциялар чиқариш блан, ҳархил справкалар, ма'лумотлар тўплаш блан шуғулланадилар.

Ховос ва Гулистон район партия комитетларининг иш услубидаги яна бир жиддий камчилик шундан иборатки, район партия комитети кўпинча ҳамма хўжалик масалаларини, ҳатто энг майда хўжалик масалаларини ҳам ҳал этишни ўз зиммасига олади. Бундай нотўғри практика, биртомондан, совет ва хўжалик ташкилотларининг активлиги ва жавобгарлигини пасайтиради, иккинчи томондан, партия комитетларини энг принципиал масалаларга кўпроқ э'тибор қилиш, партия ички ишларига ва омма ўртасида олиб бориладиган сиёсий ишларга етарли даражада аҳамият бериш имкониятидан маҳрум этади.

Областимиздаги айрим саноат корхоналарининг қониқарсиз ишлаётганига, корхоналарнинг анча қисми техника-экономика кўрсаткичлари юзасидан берилган топшириқларни, меҳнат унумдорлиги планини бажармаётганлигига даставвал саноатга раҳбарлик қилиш савияси паст даражада бўлиши ва корхоналарда партия ишининг яхши йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Кўпгина партия ташкилотлари корхоналарнинг хўжалик ишини чуқур ўрганмаётирлар, ма'муриятнинг фаолиятини контроль қилиб туриш ҳақида партия Уставида ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланмаётирлар.

Партиявий ишларнинг қўйилишида юз берган ва партия ходимларининг республика кенгашида очиб ташланган жиддий камчиликлар кўпгина шаҳар, район партия комитетларининг ишида бирёқламалик ҳукм сурганлигини, улар сиёсий раҳбар органлари сифатида ўз функцияларни қониқарсиз бажараётганликларини, хўжаликка ва сиёсий ишга раҳбарлик қилишни усталик блан бирга боғлаб олиб бормаганликларини кўрсатади.

Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий иш — хўжалик ишларида катта муваффақиятларни қўлга киритишга ёрдам берадиган қудратли воситадир. Шаҳар ва район партия комитетлари раҳбарлик услубини ва методларини қат'иян қайта қуриб, партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларнинг савиясини хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида олдимизга қўйилган юксак вазифалар даражасига кўтаришлари, мажлисбозлик, формализм ва қоғозбозликдан воз кечишлари, э'тиборни кўпроқ жонли ташкилий ишга қаратишлари лозим. Саноат ишлабчиқаришини, пахтачиликни, жамоат чорвачилигини ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада зўр бериб ривожлантириш вазифалари партия органларининг хўжаликка раҳбарлик қилиш методларини тинмай такомиллаштириб боришни, кадрларимизнинг ташаббускорлиги ва ишчанлигини оширишни, ташкилий ва сиёсий ишларимизнинг мазмунини янада яхшилашни талаб қилади.

Партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш— партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, партия ички ишларини ҳартомонлама кучайтириш, партия демократиясини ривожлантириш демакдир. Партиямизнинг кучи — партиялилар оммасининг активлиги ва ғайратида, уларнинг партия қарорларини бажариш учун сабот блан кураш олиб боришидадир. Партия ташкилотлари кадрларимизнинг ижодий ташаббуси ва ғайратини ҳартомонлама ривожлантиришлари, хўжалик, маданият ҳамда меҳнаткашлар фаровонлигини оширишга доир энг муҳим масалаларни ҳал этишда уларнинг ролини кучайтиришлари лозим.

Партиямиз ҳамавақт сиёсатни хўжаликдан ажратиш мумкин эмас, деб та'лим беради. Сиёсат ва хўжалик бирга яшайдилар ва бирга ҳаракат қиладилар. Бизнинг амалий ишимизда хўжаликни сиёсатдан ажратмоқчи бўлган ва сиёсий ишнинг аҳамиятини пасайтириб, хўжалик ишини кучайтирмоқчи бўлган ёки бунинг аксича, хўжалик ишининг аҳамиятини пасайтириб, сиёсий ишни кучайтирмоқчи бўлган киши албатта бошиберк кўчага кириб қолади. Шунинг учун хўжалик ишларини партиявий-сиёсий ишлар блан маҳкам боғлаб олиб бориш керак. Раҳбар партия ходимларимиз партиявий-сиёсий ишларни хўжаликка раҳбарлик қилиш блан бирга қўшиб олиб бориш сан'атини, ленинча-сталинча сиёсий раҳбарлик қилиш услубини қунт блан ўрганишлари лозим. Совет ва хўжалик ташкилотларини эгасизлантирмай, уларни ҳартарафлама мустаҳкамлаш, хўжалик ва маданий қурилишдаги ташкилотчилик ролини кучайтириш — партия органларининг бурчидир.

Партия ташкилотлари томонидан омма орасида олиб бориладиган ташкилий ва сиёсий ишларнинг савиясини КПСС Марказий Комитети талаб қилган даражага кўтариш—коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг гаровидир.

Кремльда саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши

16 май кечки мажлисда «Карагандауголь» комбинатидаги 26-нчи шахта кўмир комбайнининг машинисти ўртоқ **Абросимов** биринчи бўлиб сўзга чиқди.

У, шахта кончилари кўмир чиқаришни йилдан-йилга кўпайтираётганликлари ҳақида гапирди. Шахта 1954 йилда пландан ташқари 20 минг тонна кўмир берган, шу йилнинг 4 ойи мобайнида эса пландан ташқари 14,5 минг тонна кўмир берган. Ўртоқ Абросимов ишлаётган кўмир комбайнининг биройлик ўртача иш унуми 14 минг тоннага етган. Ўртоқ Абросимов бригадасининг ҳамма а'золари бирнеча касбни эгаллаб олганлар, бу эса кўмир чиқаришни кўпайтиришга имкон берган. Ҳозир бригада «Донбасс» кўмир комбайнининг ҳар ойлик иш унумини 25 минг тоннага етказиш вазифасини ўз олдига қўйган. Нотиқ ҳамма лаваларда ва тайёрланаётган забойларда цикл графиги асосида ишлашнинг қат'ий режимини кенг жорий қилиш зарурлиги тўғрисида гапирди. Бу эса, кончилик машиналаридан ва механизмларидан яхшироқ фойдаланишга, ишчиларнинг сонини камайтириб, кўмир чиқаришни кўпайтиришга имконият беради. Нотиқ кончилик машиналарининг конструкторларидан комбайндаги камчиликларни тезроқ тугатишни, кончилик машиналарини бошқаришни автоматлаштирмоқ учун мукаммал аппаратлар яратишни талаб қилди.

СССР кўмир саноати министри ўртоқ **Задемидко** айтдики, кўмир саноати халқ хўжалигининг меҳнат энг кўп талаб қилинадиган тармоқларидан биридир. Шу сабабли, кўмир чиқариш соҳасида янги техникани, механизацияни кенг жорий қилиш кўмир саноатини юксалтиришнинг асосини ташкил қилади. Кейинги вақтларда 200 га яқин ҳархил машина ва механизмлар яратилди, бу эса кўмир чиқаришни механизациялашни асосан тугаллашга ва меҳнат энг кўп талаб қилинадиган ишларни—кўмирни ва тоғ жинсларини чиқариб уйиб қўйиш ва юклаш ишларини механизациялашга киришишга имкон берди.

Броқ, шахталарда меҳнат унумдорлигининг ошуви асло етарлик эмас ва шахталарни техника блан та'минлашда эришилган даражага мос келмаётир. Кўмир саноати ходимларининг вазифаси шуки, улар янги техниканинг лозим бўлган даражада самарали ишлашига эришмоқлари керак. Бунинг учун шахталарда ишлабчиқаришни ва меҳнатни ташкил қилишни яхшиламоқ, илғор шахталарнинг ва ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаларини ғайрат блан ўрганиш ва ёйиш зарур, аммо кўмир саноати министрлиги ва унинг комбинатлари ва трестлари бу иш блан етарлик равишда шуғулланмаётирлар. Лаваларни суткасига бир цикл иш берадиган гарафикка кўчириш, шароит бўлган жойларда эса—бир сменада бир цикл иш берадиган графикка кўчириш зарур, токи бригадаларнинг ишида тўхтаб қолишлар бўлмасин. Шахталардаги ҳамма ишларни комплекс механизациялаш, мавжуд механизмлардан тўлиқ фойдаланиш керак.

Кўмир саноати министрлиги, деди Министр, жиддий танқид қилинди. Биз бу танқиддан зарур хулосаларни чиқариб оламиз ва бор камчиликларни йўқотиш чораларини кўрамиз.

Молотов областидаги Городишченский леспромхозининг директори ўртоқ **Яковенко** сўзга чиқиб айтдики, бу леспромхозда, ишчиларнинг сони кўпайтирилмагани ҳолда, ёғоч тайёрлаш ўтган бешйилликдагига қараганда икки баравардан зиёдроқ кўпайтирилди. 1952 йилдан бери леспромхоз фойда берадиган бўлиб қолди. Янги технологияни жорий қилиш, меҳнатнинг ташкил қилинишини яхшилаш туфайли шундай муваффақиятга эришилди. Бизнинг леспромхозимиз ёғочларни туркумлаб ташишга биринчи бўлиб киришган корхоналардан бири бўлди. Ўрманда икки смена бўлиб ишлаш ташкил қилинди. Цикл графиги жорий қилинди. Дарахт кесиш ишларида меҳнат унумдорлиги 52 процент ошди.

Нотиқ айтдики, тайёргарлик-ёрдамчи ишларнинг тузук механизация қилинмаганлиги катта камчиликдир. Бу ишлар асосан қўл кучи блан бажарилмоқда. Агар ишлар комплекс равишда механизациялаштирилганида эди, корхонамиз ёғоч тайёрлашни анча кўпайтирган бўлур эди.

Бутуниттифоқ илмий-текшириш инструментал институтининг директори ўртоқ **Надеинская** айтдики, инструментал саноати заводларида ва машинасозлик корхоналари цехларида чиқарилаётган инструментнинг кескирлик хусусияти кўпинча етарли бўлмайди ва ишда зарур аниқлик бўлишини ба'зан та'минламайди. Қора ва рангли металлургия министрликлари инструментал саноатга етказиб берилаётган металл ва қаттиқ қотишмаларнинг сифатини яхшилашлари лозим. Инструментчиларнинг ўзлари ҳам чиқарилаётган буюмларнинг термик ишланишини ва созланишини яхшилашлари керак. Машинасозлик корхоналарида кесучи инструментни ишлатиш қоидаларинг бажарилмаётганлиги инструментнинг ишлаш муддатини анча камайтириб юбормоқда.

Ўртоқ Надеинская илмий-текшириш муассасаларининг ишларидаги камчиликлар тўғрисида гапириб, бу муассасалардаги кўпгина илмий ходимлар илмий проблемаларни мустақил равишда ишлаб чиқишга ва ишлабчиқаришга етказиб беришга қодир эмаслар, деди. Ўртоқ Надеинская тормоқ институтлари ходимларининг меҳнатига улар бажарган илмий-текшириш ишларининг ишлабчиқаришга чиқишини ва катта натижалар берганлигига қараб баҳо беришни таклиф қилди.

С. М. Киров номидаги Саратов крекинг-заводининг бош инженери ўртоқ **Касаткин** 1955 йил топширигини муддатидан олдин бажариш соҳасида завод коллективи томонидан ишлаб чиқилган ташкилий-техника тадбирлари тўғрисида гапирди. У энг янги муваффақиятларни ўрганиш ва жорий қилишда завод лабораторияларининг ролини ошириш зарурлиги тўғрисида сўзлаб, Нефть саноати министрлигининг ва СССР Фанлар академиясининг илмий-текшириш институтлари бу ишга етарли э'тибор бермаётганликларини кўрсатиб ўтди.

СССР Қора металлургия министри ўртоқ **Шереметьев** айтдики, ускуналардан яхшироқ фойдаланиш йўли блан металл ишлаб чиқариш кейинги вақтларда кўпайтирилди. Домна печьларининг ҳажмларидан самарали фойдаланиш коэффициенти 1940 йилдагига нисбатан 1954 йилда 32 процент яхшиланди, мартен печининг ҳарбир квадрат метр тубидан олинаётган пўлатнинг миқдори эса—60 процент ошди. Шу блан бирга, етарли равишда фойдаланилмаётган жуда катта резервлар бор. Ўртоқ Шереметьев қора металлургия соҳасида капитал қурилиш планларининг бажарилмаётганлигини айтиб ўтди.

Домна, пўлат эритиш ва прокат ишлабчиқариш техникасини яқин вақтлар ичида оширмоқ учун ва меҳнат унумдорлигини кескин равишда кўпайтирмоқ учун машинасозлик саноатида металлургия учун керакли энг мукаммал ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарур.

Ўртоқ Шереметьев сўзининг охирида кенгаш қатнашчиларига ва'да бериб айтдики, қора металлургия ходимлари мавжуд резервларни халқ хўжалигига хизмат қилдирмоқ ва мамлакатга кўпроқ металл бермоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

16 майдаги кечки мажлисда машинасозлик заводининг бош технологи ўртоқ **Гринев**, «Ростсельмаш» заводининг директори ўртоқ **Донцов**, Дзержинский номли металлургия заводидаги КПСС Марказий Комитетининг партия ташкилотчиси ўртоқ **Рогоза**, «Башнефть» бирлашмаси «Туймазабурнефть» трестининг парма лаш мастери ўртоқ **Цирков** ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгаш ўз ишини давом этдирмоқда. (ТАСС).

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО СТАЛИН МУКОФОТЛАРИ БЕРУЧИ КОМИТЕТДА

ФРАНЦУЗ ЖАМОАТ АРБОБИ АЛЕН ЛЕ ЛЕАПГА ХАЛҚАРО СТАЛИН МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

14 майда Кремльда, Свердлов залида Франция Умумий меҳнат конфедерациясининг бош секретари **Ален ле Леапга** халқаро Сталин мукофоти топширилди.

Халқаро Сталин мукофотини топшириш вақтида пойтахт касаба союз активлари, Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг а'золари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Жаҳон касаба союзлари федерацияси Ижроия бюросининг ҳозирги вақтда Москвада давом этаётган сессияси қатнашчилари ҳам залда ҳозир бўлдилар.

Халқаро Сталин мукофоти лауреати Ален ли Леап, Халқаро Сталин мукофотлари беручи комитет раиси академик Скобельцин, Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари Луи Сайян, Умумхитой касаба союзлар федерациясининг секретари Лю Цзи-цзю, Умумҳиндистон касаба союзлар конгрессининг бош секретари, Жаҳон касаба союзлари федерацияси раисининг ўринбосари С. А. Данге, озод немис касаба союзлари бирлашмасининг раиси, Жаҳон касаба союзлари федерацияси раисининг ўринбосари Герберта Варнке, Куба меҳнаткашлари конференциясининг бош секретари, Жаҳон касаба союзлари федерацияси раисининг ўринбосари Ласаро Пенья ва халқаро ишчилар ҳаракатининг бошқа арбоблари президиумга чиққанларида ҳамма уларни қарсаклар блан кутиб олди.

Академик Скобельцин тантанали мажлисни очиб, бугунги воқианинг гоят муҳимлигини — Сталин тинчлик мукофотининг ишчилар синфи намояндасига топширилаётганлигини уқтириб ўтади.

Академик Скобельцин Ален ле Леапга Сталин тинчлик мукофоти лауреати дипломи ва олтин медалини топширганида, залдагиларнинг ҳаммаси француз ишчилар синфининг отоқли вакили Ален ле Леапни қизғин табриклайдилар.

ВЦСПС раисининг ўринбосари ўртоқ **Л. Н. Соловьев,** Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети раисининг ўринбосари профессор **З. А. Лебедева** Ален ле Леапни қизғин табриклайдилар. Москва меҳнаткашлари номидан Москва—Сортировочная станциясининг старший машинисти **В. Г. Блаженов** сўзлайди. В. Г. Блаженов француз ишчиларига уларнинг совет дўстларидан қардошлик саломи топширишни Ален ле Леапдан сўрайди.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари **Луи Сайян** трибунага чиқади. У, лауреат босиб ўтган ҳаёт йўлини, лауреатнинг ишчилар ҳаракати сафида кўп йиллар мобайнида қилган самарали ишларини, унинг гоят камтарлигини самимий тасвирлаб беради ва лауреатнинг меҳнаткашларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий манфаатлари учун курашга доим тайёр эканлигини айтади. **Лю Цзи-цзю, С. А. Данге, Г. Варнке, Ласаро Пенья** лауреатни ўз мамлакатларидаги ишчилар синфи номидан табриклядилар.

Ален ле Леапга Сталин мукофотини топшириш маросими тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган ишчилар синфининг халқаро бирдамлигини кўрсатучи завқли намойишга айланди.

Самимий қутиб олинганлигидан беҳад хурсанд бўлган Ален ле Леап жавоб нутқи сўзлади. Унинг нутқи ҳозир бўлганлар томонидан зўр э'тибор блан тингланди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

1955 йилда ғўза парваришини намунали ўтказган ва экинларнинг яхши аҳволда бўлишини та'минлаган илғор областьга, совхозга ва районларга топшириш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МКнинг кўчма Қизил байроқларини та'сис этиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МК қарор қилдилар:

1. Ғўза парвариши юзасидан социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришган ва ғўзаларнинг энг яхши аҳволда бўлишини та'минлаган илғор областьга, илғор совхозга ва илғор районларга топшириш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари; илғор область учун битта байроқ, илғор совхоз учун битта байроқ ва илғор районлар учун ўнта байроқ та'сис қилинсин.

2. Илғор областьга, совхозга ва илғор районларга кўчма Қизил байроқлар ғўзанинг вегитация даврида қуйидаги кўрсаткичларга қараб топширилсин:

а) Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадар'ё ва Сурхондар'ё областьларида асосий майдонларда (камида 90 процент майдонда) ғўзани яганаалашни 20 майга қадар, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда эса 25 майга қадар юқори сифатли ўтказганлик учун;

б) Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадар'ё ва Сурхондар'ё областьларида 10 июньга қадар, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда эса 15 июньга қадар асосий майдонлардаги, лекин кам деганда 90 процент майдондаги ғўзани ёппасига шонага киритиб олганлик учун;

в) Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадар'ё ва Сурхондар'ё областьларида 10 июльга қадар, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда эса 15 июльга қадар асосий майдонлардаги, лекин кам деганда 90 процент майдондаги ғўзанинг ёппасига гуллашини та'минлаганлик учун;

г) Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадар'ё ва Сурхондар'ё областларида 1 августга қадар, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда эса 5 августга қадар асосий майдонларда (кам деганда 90 процент майдонда) ҳар туп ғўзада камида 4 — 5 тадан кўсак тўплашни та'минлагани учун.

3. Белгиланисинки, кўчма Қизил байроқлар блан биргаликда:

а) илғор районга битта енгил машина ва ғўза парваришида энг яхши кўрсаткичларга эришган колхозчиларни, тракторчиларни ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларини мукофотлаш учун 10 минг сўм пул берилади;

б) илғор совхозга совхоз ишчилари ва мутахассисларини мукофотлаш учун 10 минг сўм пул берилади.

4. Кўчма Қизил байроқлар область партия ва совет ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигининг тақдим этишига мувофиқ топширилади.

5. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ана шу кўрсаткичлар бўйича ғўза парваришида яхши ишлаган МТС ишчилари ва мутахассисларини мукофотлаш мажбурияти юклатилсин.

В. М. Молотов Москвага қайтиб келди

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги Давлат шартномаси имзолангандан кейин, 17 майда Венадан Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги системасининг илмий ходимларига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Совет соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш соҳасидаги ғоят катта илмий-амалий фаолиятлари учун қуйидаги илмий ходимларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берилсин:

1. **Мусабоев** Исҳоқ Қурбоновича — Врачларнинг малакасини ошириш Тошкент Давлат институтининг кафедра мудири.

2. **Титов** Константин Герасимовича — В. М. Молотов номидаги Тошкент Давлат медицина институтининг кафедра мудири.

3. **Павлова** Ольга Николаевнага — В. М. Молотов номидаги Тошкент Давлат медицина институтининг кафедра мудири.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри,
1955 йил 12 май.

Тошкент область Советининг сессияси

17 майда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг иккинчи сессияси бўлди. Сессияда Тошкент областининг 1955 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида ва 1954 йилги бюджетнинг бажарилиши ҳақида область молия бўлими мудири Я. Элчибековнинг доклади муҳокама қилинди.

Сессия маҳаллий бюджетни даромадлар бўйича 355.032 минг сўм ва харажатлар бўйича 354.271 минг сўм миқдорида, я'ни даромадлар харажатлардан 761 минг сўм ортиқ қилиб бир овоздан тасдиқлади. Бюджет маблағларининг асосий қисми — 314.498 минг сўми социал-маданий тадбирларни маблағ блан та'минлаш учун сарфланади. Бу маблағлардан 203.232 минг сўми маориф ва маданият тадбирлари учун, 108.504 минг сўми соғлиқни сақлаш тадбирлари учун, 2.180 минг сўми социал та'минот учун, 582 минг сўми меҳнаткашлар орасида физкультурани ривожлантириш учун ажратилади.

Сессия 1954 йилги маҳаллий бюджетнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳам тасдиқлади. (ЎзТАГ).

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг ҳурмат дафтари

Бутун мамлакатда физкультура коллективларида СССР халқларининг спартакиадасига тайёргарлик кучайиб кетди. Спартакиада 1956 йилда бўлади. Физкультура коллективларини спартакиадада қатнашишга рағбатлантириш, шунингдек ўқитучиларнинг, инструкторларнинг, тренерларнинг, жамоат активлари ва спортчиларнинг ишини истимуллаштириш мақсадида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети ҳурмат дафтари та'сис қилди.

СССР халқлари спартакиадасига яхши тайёргарлик кўрган ва унда қатнашган, физкультура ва спортни оммавий равишда ривожлантириш соҳасида актив иш олиб борган, ГТО комплекси значкиларини, разрядли спортчиларни ва жамоат физкультурачиларини тайёрлашда яхши кўрсаткичларга эришган шаҳар ва қишлоқ физкультура коллективлари ҳурмат дафтарига ёзилади.

СССР халқлари спартакиадасига тайёргарлик кўришда энг яхши кўрсаткичларга эришган, мамлакатда физкультура ва спортни оммавий равишда ривожлантириш соҳасида самарали ишлаётган юқори малакали спортчилар, спорт мастерлари, жаҳон ва Европа чемпионлари ҳамда рекордчиларни тарбиялаб етиштирган энг яхши физкультура ва спорт ходимларини, жисмоний тарбия ўқитучиларини, инструкторларини, тренерларини ва жамоат активларини ҳурмат дафтарига ёзишга қарор қилинди.

Рекорд қўйиб, жаҳон ва Европа чемпиони номини олган спортчилар ҳам ҳурмат дафтарига ёзилиш ҳуқуқини оладилар. (ТАСС).

Янги заёмга ёзилиш зўр муваффақият блан давом этмоқда

Оғир индустрияни янада ривожлантириш учун

Янги заём чиқариш тўғрисидаги хабар ўқиб эшитдирилгач, «Ташкенткабель» заводининг оғир шланглар цехида йиғилиш бўлиб ўтди. Ишчи Қуранжон Холматова сўз олиб бундай деди:

— Ҳаммамиз Совет ҳукуматининг янги заём чиқариш тўғрисидаги қарорини қизғин ма'қуллаймиз. Бизнинг меҳнат жамғармаларимиз Ватанимиз иқтисодий қудратини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам беришини биламиз. Янги заём маблағлари оғир саноатнинг муҳим тармоқларини янада ривожлантиришга сарфланади.

— Завод коллективи,—деди прессчи Жалил Розиқов,—меҳнатдаги ютуқларни янада кўпайтиради. Куйбишев ГЭСи учун шланглар кабельлар, кўмир саноати корхоналари учун троллейбус симлари ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ярим йиллик топшириқ ҳозироқ бажарилди. Халқ хўжалигининг кўпгина бошқа тармоқлари учун ҳам маҳсулотлар муддатидан илгари етказиб берилди. Ишлабчиқаришдаги ютуқларимизни биз меҳнат жамғармаларимизни давлатга қарз бериш блан мустаҳкамлаймиз. Мен заёмга мамнуният блан ёзиламан.

Заводнинг бошқа цехларида ҳам янги заём чиқарилишига бағишланган йиғилишлар юксак ватанпарварлик рухида ўтди. Йиғилишлардан кейин юзларча ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар янги заёмга ёзилдилар. (ЎзТАГ).

Колхозчилар бирдамлиги

Орджоникидзе районидаги Маленков номли колхоз аъзолари СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат заёмининг чиқарилгани тўғрисидаги хабарни эшитгач, дарҳол дала шийпонига тўпландилар. Йиғилиш зўр кўтаринки ва сиёсий руҳда ўтди. Йиғилишдан кейин заёмга бирдамлик блан ёзилиш бошланди. 13-нчи бригаданинг 2-нчи звено бошлиғи, коммунист Зиёота Алметов янги заёмга ёзилатуриб, бундай деди:

— Биз тинчлик вахтасида туриб, янги Давлат заёмига ёзилаётирмиз. Бу йил бутун звено бўйича 13 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 55 центнердан оқ олтин бериш учун курашамиз. Ўз звенодаги а'золарнинг номидан 12-нчи бригаданинг Расул Абдуллаев бошчилик қилаётган 3-нчи звеносини социалистик мусобақага чақираман. Биринчи ғўза парваришини 20 майгача тамомлашга қат'ий ва'да бераман.

Звено а'золари янги заёмга якдиллик блан ёзилдилар.

П. ЭРТОЕВ.

Юксак ватанпарварлик

Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг колхозчилари Ҳукуматимизнинг янги заём чиқариш тўғрисидаги қарорини юксак кўтаринки руҳ блан кутиб олдилар. Колхозда янги давлат заёми чиқарилишига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда колхоз раиси Ўртоқ Брухтий колхоз а'золарининг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Янги заём чиндан ҳам халқ заёми, тинчлик ва фаровон ҳаёт заёмидир. У қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантиришда қатта роль ўйнайди. Мен ўз жамғармамдан давлатга нақд 5000 сўм қарз бераман. Барча колхозчиларни заёмга якдиллик ва уюшқоқлик блан ёзилишга чақираман.

Шундан сўнг колхозчилар заёмга ёзилабошладилар. Ферма мудири Фермяк 2000 сўм, колхозчилардан Ивченко 1000 сўм, Ломонов 1300 сўм нақд пул бериб заёмга ёзилдилар. Барча колхозчилар янги заём чиқарилиши ҳақидаги қарор э'лон қилинганидан кейин орадан ярим соат ўтар-ўтмас заёмга бирдамлик блан ёзилиб, юксак ватанпарварлик намуналарини намойиш қилдилар.

Чорвадорларнинг сўзи

ЧУҚУРСОЙ (Тошкент области), 17 май. (ЎзТАГ). Калинин, Тошкент, Янгийўл, Октябрь ва Чиноз районларидаги колхозларнинг Келес массивида қўй боқаётган чорвадорлари янги заёмга ёзилишда активн қатнашмоқдалар. Чўпон Бердиш Носиров Тошкент районидаги Каганович номли колхоз чорвадорларининг митингида сўзлаб бундай деди:

—Биз, колхозчилар янги Давлат заёми чиқарилганлигини қизғин ма'қулламоқдамиз. Янги заём халқ хўжалигини янада ривожлантиришни та'минлайди, партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини, шу жумладан чорвачиликни кескин суратда юксалтириш ҳақидаги қарорларини бажаришни тезлаштиради. Мен қувонч блан заёмга ёзиламан ва заёмнинг ҳамма пулини нақд тўлайман.

Митингдан кейин чўпонлар дарҳол янги заёмга ёзилдилар. Кўпгина колхозчилар Бердиш Носировдан намуна олиб, заём пулини нақд тўладилар.

Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлайлик

ОҚҚУРҒОН. (ЎзТАГ). Райондаги Сталин номли 16-нчи совхоз ишчилари янги Давлат заёми чиқарилиши ҳақидаги ҳукумат қарорини баланд руҳ блан кутиб олдилар. Совхознинг ҳамма далачилик бригадаларида кўпкишилик митинглар бўлиб ўтди.

— Биз шуни яхши биламизки, — деди сўзга биринчи бўлиб чиққан бригада бошлиғи К. Ражабов, — заёмдан тушган маблағлар тинч қурилишлар учун сарфланади. Бу маблағларнинг бир қисми янги қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш учун сарфланади. Бу машиналар пахта етиштиришни тобора кўпайтириш учун бизга жуда зарурдир. Биз, пахтакорлар янги заёмга жон-дилимиз блан ёзиламиз. Шу блан бирга ҳарбир гектардан пахта ҳосилини 40 центнергача ошириш учун курашамиз.

— Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар, — деди ўз сўзида трактор бригадасининг механиги Я. Макаш. — Бизнинг давлатга бераётган қарзларимиз севикли она-Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш учун, бутун дун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун сарфланади. Ана шунинг учун ҳам мен янги заёмга зўр хурсандчилик блан ёзиламан.

Совхознинг кўпгина ишчилари янги Давлат заёмига ўзларининг бир ойлик иш ҳақлари миқдорида ёзилдилар.

Тошкентдаги Н. В. Сталин номли кўн заводи пардозлаш цехининг илғор ишчиси, коммунист ўртоқ А. Обиджонов бешинчи бешйиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақага қўшилиб самарали ишламоқда. У, кундалик топшириқни 130—140 процентдан бажаргани ҳолда юқори сифатли маҳсулот тайёрламоқда. Суратда: А. Обиджонов иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

★ ★

Ёзучи Ойбек юбилейига тайёргарлик

Шу йил 25 май куни республикамизда ва июнь ойида Ватанимиз пойтахти Москвада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси, Сталин мукофоти лауреати, отоқли ёзучи Мусо Тошмуҳаммедов (Ойбек)нинг туғилганига 50 йил, ижодий фаолиятининг бошланганлигига 30 йил тўлиши муносабати блан юбилей тантаналари ўтказилади. Яқинда Ойбек юбилейини ўтказучи комиссиянинг Ўзбекистон совет ёзучилар союзи Президиуми а'золари, сан'ат ва матбуот ходимлари блан биргаликдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда «Звезда Востока», «Шарқ юлдузи» журналларининг редакторлари А. Иванов, Мирмухсин ўртоқлар журналларнинг бешинчи сонида Ойбек ижодига бағишланган материалларга кенг ўрин берилганлигини айтдилар.

«Шарқ юлдузи» журналининг 5-нчи сони шоир Ойбекнинг ҳархил йилларда ёзилган энг яхши ше'рлари ва янги поэтик асарлари блан очилади. Шунингдек, журналда Ойбек ижодиётига оид адабий-танқидий мақолалар босилади. «Звезда Востока»нинг бешинчи сонида Ҳ. Ёқубовнинг «Ойбек прозаси», А. Абдоров ва А. Хайитметов ўртоқларнинг «Ойбек поэзияси» сарлавҳали йирик мақолалари босилади. Шунингдек, бошқа журналларда, радиода, республика ва область газеталарида отоқли ўзбек совет ёзучисининг асарларидан намуналар, унинг ҳаёти ва ижодини ёритучи мақолалар э'лон қилинади. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти юбилей олдидан Ойбекнинг «Навоий», «Қутлуғ қон» романларини, 11 печатний лист ҳажмидаги ше'рлар ва поэмалар тўпламини босиб чиқарди. Шунингдек, Ойбек таржима қилган А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» поэмаси ҳам қайта нашрга тайёрланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ходимлари Ойбек ҳақидаги илмий-текшириш ишларини тугатиб нашрга тайёрладилар. Булар орасида адабиётшунос Ҳомил Ёқубовнинг 8 печатний лист ҳажмидаги Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишланган очерки, институт ходимлари тайёрлаган лекция тексти, филология фанлари кандидатлари Н. Раҳимов, А. Абдоров, С. Қосимовнинг Ойбекнинг прозаси, поэзиясига оид мақолалари бор. 23— 24 май кунлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг юбилей сессияси бўлади. Бунда академик Ғафур Ғулом, филология фанлари кандидатлари Ҳ. Ёқубов, Ш. Шоабдурраҳмонов ва бошқа ўртоқлар доклад қиладилар.

Тошкент бадиий ва хроникал фильмлар киностудияси Ойбек ҳаёти ва ижодиётига бағишланган махсус тематик киножурнал ишлаб чиқаришга киришди. Юбилей олдидан Ҳамза номли театр артистлари Тошкент ва бошқа шаҳарларда Ойбек романи асосида ишланган «Қутлуғ қон» спектаклини кўрсатадилар. Ҳамза номли, Навоий номли театр фойеларида, халқ кутубхонасида юбилярнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган виставкалар ташкил этилади.

Шунингдек, ёзучининг Навоий номли кутубхона китобхонлари, Верхне-волинск райони колхозчилари, Тошкент тўқимачилари, САГУ студентлари, шаҳар пионерлари блан учрашувлари ҳам ўтказилади.

25 май куни Навоий номли театр биносида Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг Ойбек юбилейига бағишланган тантанали умумшаҳар йиғилиши ўтказилади.

Юбилейга қардош халқларнинг ёзучилари таклиф этилди. Ўзбекистон Совет Ёзучилари союзи қардош республикалар ёзучилар союзи правлениеларидан, отоқли совет ёзучиларидан юбиляр адресига табрик телеграммалари олмоқда.

М. ЯҲ'ЕЕВ.

Ойбек ижодига бағишланган адабий кеча

Чирчиқ шаҳридаги Киров номли 7-нчи ўрта мактабнинг юқори синф ўқучилари отоқли ўзбек совет ёзучиси Ойбекнинг туғилганига 50 йил тўлиши муносабати блан ўтказиладиган юбилейга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Юбилей кунлари мактабда Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча ўтказилади. Кечада юқори синф ўқучиларидан Р. Турсунбоев «Ойбекнинг 1941—1955 йиллардаги ижоди», Д. Холмуродов «Қутлуғ қон» романидаги «Йўлчи образи» темаларида доклад қиладилар. Ш. Турсунбоева «Зафар ва Зуҳро», Д. Сайдалиева «Дилбар — давр қизи» поэмаларидан парчаларни ёдан ўқиб берадилар. Шунингдек мактаб ўқучилари адабий кечада ўқиш учун Ойбекнинг рус тилига таржима қилинган ше'рларини ёдламоқдалар.

С. ЙУЛДОШБОЕВ.

ФЕЛЬЕТОН

Юлғич ошналар

Ҳамидхон Рашидов ишга жойлашиш учун у қадар кўп овора бўлмади. Область маҳаллий ва ёқилғи саноат бошқармасининг бошлиғи Маюсупов қабулига тезгина муяссар бўлди. У биринчи суҳбатдаёқ бошлиққа ёқиб қолди. «Рашидов Қорасув район промкомбинатига директор қилиб тайинлансин» деган мазмунда шошилинч буйруқ ҳам ёзилди. «Ошна-оғайниларнинг садағаси кетсанг бўлади», мийиғида кулди буйруқни ўқир экан Рашидов.

Рашидов директор кабинетидаги столга мустаҳкам жойлашиб олгач, ўз атрофига сирдош, гапга тушунадиган кишиларни тўплайбошлади. Жумладан, Димонт деган «ишбилярман»ни бош инженер вазифасига қабул қилди. Хаш-паш дегунча бу икки дўст енг шимариб, ишга тушдилар. Чиллакини кўриб чиллаки чумак уради, деганларидек уларнинг атрофидаги югурдаклар ҳам ўзларини ишбилярман, жонкуяр кишилар қилиб кўрсатиш учун комбинат маблағларига, мол-мулкига кўз олайтирабошладилар.

Димонт ўзи учун бирор нарса унмаса жон куйдириб ишлайдиганлардан эмас. У қадаминнинг биринчи куниёқ ишни ўз шахсий манфаатидан бошлади. 21 августда ишга тушгани ҳолда, 10 августдан ишга тушди, деб буйруқ ёздирди. Ишламаган кунлари учун комбинатнинг 430 сўм пулини нақд санаб олиб, ҳазм қилиб юборди. Ўз дўсти Телерманни ОТК бошлиги вазифасига жойлаштирди. Телерманнинг кириб-чиқмаган эшиги йўқ. Бу қўнимсиз юлғич, аввал «Узгоссортсемфонда»да уруғчилик агрономи. Узкоопинсоветда қурилиш техники ва бошқа турли-туман касбларда ишлаган. Шуниси қизиқки, Телерман ишга хоҳлаган вақтида келади, истаган вақтида кетади. Хуллас, у, ўзи хон, кўланкаси майдон. Чунки у Рашидовга ҳам, Димонтга ҳам орқа қилади. Молларнинг сифатини текширишдек муҳим иш блан шуғулланмайди, цехларда бўлмайди. Телерман бу иш блан таниш эмас, у сифатсиз молни сифатли молдан ажратаолмайди.

Димонт даромад манба'ларини жуда яхши билади. У «сердаромад» деб тунука черепица ишлабчиқариш цехини ташкил қилди. Цехни ускуналашга смета тузиш учун четдан «инженер» таклиф қилди ва комбинатнинг 2500 сўм пулини ўринсиз тўлади. Қилинмаган ишлар қалбаки хужжат блан расмийлаштирилиб, 12480 сўмга тўлов ведомости тузилди. Ведомостьга тегирмон хизматчиларидан Крутаярский, учётчик Райцин, Котляр, Ширишориналар «ишлаганлари учун» имзо чекиб, пул олдилар. Ўзбекистон ССР маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли Чкалов номли заводдан ҳар тоннаси 60 сўм турадиган чиқинди тунука келтирилган ҳолда, ҳарбир парча тунуканинг баҳоси 1 сўм 50 тийинга ошириб сотилди. Черепица тунукаларнинг бир қисми комбинат магазинида пулланди.

Комбинат учун Бекобод металлургия заводидан келтирилган 120 тонна тунука черепица қилинди дейсизми? Йўқ, асло йўқ. Фақат калькуляция тузилиб, оқ қоғоз қораланди. Аммо тунуканинг қандай гойиб бўлгани ҳамон муаммо.

Рашидов, Димонтлар сир очилмаслиги учун ишни бошидан пишиқлайдилар. Улар «қўйнидан тўқилса қўнжига» деган мақолга амал қилиб, тегирмон цехининг бошлиғи Залевскийни ўриндошлик йўли блан черепица цехига бошлиқ қилиб, Райцин деган тегирмон устасини қабул қилучи қилиб ўрнаштирдилар. Райцин бу ишни уддалайолмаслиги аниқ эди. Лекин Димонт бунинг иложини топди. Биринчи тегирмонда лаборантка бўлиб ишлаган ва аллақачонлар ишдан бўшаб кетган Пирт деган шахсни юрмаган тегирмон ҳисобидан лаборантка деб расмийлаштирди. Залевский блан Райцинга югурдак бўлган Пирт ҳеч иш қилмай комбинатнинг пулини бекорга олди.

Комбинатдаги юлғичларнинг қилмишлари шугина дейсизми? Йўқ, ҳали иш кўп. Ўтган йилнинг 22 октябрида черепица цехига «Узместснабсбит»дан ҳокандоз тайёрлаб бериш учун 500 тахта янги тунука юборилди. Райцин яхши тунукаларни гойиб қилди, брак тунукадан ҳокандоз тайёрлади.

Комбинатда қуйдирилган 70 минг ҳом ғишт, пиширилиб тайёрланиши керак эди. Шу мақсадда 9 тонна кўмир, бирқанча ўтин тўпланди. Машина кетма-кет қатнаб, жуда кўп бензин сарф қилди. Бочкарев, Анизов, Аблаев, Головка деган ишчиларга пул ҳам тўланди. Аммо ғишт пиширилмай қолиб кетди. Бу ерга келтирилган кўмир ҳам, ўтин ҳам доми-дарақсиз йўқолди. Оҳак цехида икки ишчи бўлгани ҳолда, бу цехга бир учётчик, икки цех бошлиғи учун маош тўланди.

Рашидов ҳам, Димонт ҳам манфаат келтирадиган кишиларнигина севади, «ҳамкорликда» ишламайдиган кишиларни сир очилишидан шубҳаланиб четлаштиради. Директор ҳам, инженер ҳам тил бириктириб, комбинатда кўплан буён ишлаб келган соғлом кадрларни ишдан четлатиш пайига тушдилар. Комбинат учун келтирилган кўмирни ўз вақтида ташиб олинмагани учун 8000 сўм штраф тўланган ҳақида гапирган ходимлардан Қурбонов, Ботиров, Умурзоқов ўртоқлар қувғин остига олинди. Рашидов, Димонт ўртоқларнинг бундай ҳаракатлари одат тусига кирган.

Қорасув район промкомбинатининг директори Рашидов, бош инженер Димонт ўртоқлар ана шундай «майда-чуйда» ишларни амалга оширишни афзал кўрадилар. Аммо улар мебель цехини тезроқ ишга тушириб, катта пул сарфланган цехда меҳнаткашлар учун кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришни эп кўрмайдилар.

Комбинатдаги қинғир ҳаракатлар бу блан чекланмайди. Уларнинг ҳаммасини тасвирлаш учун кўп вақт, бирнеча варақ қоғоз керак. Юлғич ошналар «ишини» тегишли ташкилотларнинг аниқлашига ва одилона хулоса чиқаришига шубҳа қилмаймиз.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Ўзбиларман раис

Ховос район ижроия комитетининг раиси Иноят Бойботировнинг ажойиб хислатлари бор. У, умрида бировга салом бермаган, бировга салом берса, ҳечқачон жавоб ҳам қайтармаган. Шунинг учун ховосли ўртоқлар уни «жуда тўнг», «қўпол», дейдилар, ба'зан «унинг турган-битгани шу, ундан ҳечким яхши сўз эшитмаган», деб та'рифлайдилар.

Шу йил 11 мартда район Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Иноят Бойботировнинг «ажойиб» хислатлари ҳақида жуда кўп гап бўлди. Жумладан, район партия комитетининг иккинчи секретари Семеречик, 1-нчи МТС зонаси бўйича райком секретари Х. Собиров, посёлка Советининг раиси Абрамов, Карл Маркс номли колхознинг раиси Хўжабеков ва бошқа ўртоқлар Иноят Бойботировнинг совет ҳодимига муносиб бўлмаган хулқ-атворини кўрсатиб роса танқид қилдилар. Унинг қўполлиги ҳақида нотиқлар жуда кўп далиллар келтирдилар.

Жумладан, ўтган йили Иноят Бойботиров Ворошилов номли колхознинг раиси Умматқул Латиповнинг олдига бориб, Молотов номли колхозга 500 гектар яйлов ер беришни талаб қилади. Раис: «Правление а'золари блан келишайлик, умумий мажлис чақирайлик, сўнгра берсак бўлади-да» деб жавоб беради. Раиснинг бу жавоби Бойботировга ёқмайди, у дарҳол тутоқиб кетади ва шу онда Латиповга: «сен энди раис эмассан» дейди. Бундай гапларни эшитабериб жонига текканидан Латипов «ундай бўлса мана ол» деб, колхоз печатини унга топширади. Бойботиров печатьни олиб колхоз партия ташкилотининг секретарига беради. Шу ҳодисадан кейин Латипов блан Бойботиров олти ойгача гаплашмайди. Латипов эса шу кўйи ранслиқдан бўшаб кетади.

Шу йил январь ойида район партия конференцияси бўлди. Конференцияда Бойботировнинг ҳам номзоди райкомнинг пленум а'золигига сайлаш учун кўйилди. Конференция делегатларидан 22 киши яшириН овоз бериш вақтида Бойботировга қарши овоз берди. Мана шундан сўнг Бойботиров «буни сенлар уюштиргансанлар» деб районнинг айрим раҳбарлари блан гаплашмай кўйган. Мана, район ижроия комитетининг раиси Иноят Бойботиров шунақа «терма нозик» киши, унга танқид ёқмайди. Унга битта гап озлик, иккита гап кўплик қилади. Танқид деса кути учади.

Сўз маданиятига келганда, унга асло тенг келадиган киши йўқ. Масалан, исполкомнинг бир мажлисида район ижроия комитетининг раис ўринбосари Мирзақобилов, қурилиш бўлим бошлиғи Хайриддинов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқадилар. Улардан сўнг Иноят Бойботиров сўзлайди, у томдан тараша тушгандай бирдан: «Ҳаммангиз қурбақадай вақиллайберасизлар...» деб ҳамманинг энсасини қотирди. Шу ҳодисадан кейин ҳамма Бойботировни кўрса, шу сўзни такрорлайдиган бўлиб қолган. Яна унинг Карл Маркс номли колхозга бориб, илғор бригада бошлиқларининг ишидаги ба'зи камчиликларни раҳбар сифатида тўғри кўрсатиш ўрнига: бригада бошлиқларини бема'ни сўзлар блан сўккани тўғрисида ҳам сессияда талай гап бўлди.

Қачон сиз район ижроия комитетининг мас'ул секретари А. Шодиевнинг олдига борсангиз, уни қандайдир қарорни расмийлаштириб ўтирганини кўрасиз. У, Бойботиров кўй кўйган қарорларни тўплайди ва бу қарорлар район ижроия комитетининг таҳминан фалон числода бўлган, фалон сонли мажлис қарори, деб ёзиб қўяди. Аслида эса бунақа мажлис район ижроия комитетида бўлмаган. 8 — 9 масала юзасидан тузилган бирнеча варақли қарорлардан қатто район ижроия комитетининг кўпчилик а'золари ҳам беҳабарлар.

Расмий ҳужжатларда, шу йил 15 январьда район ижроия комитетининг мажлиси бўлганлиги қайд этилган. Унда «Охунбобоев қишлоқ Советига маблағ ажратиш», «3-нчи Боёвут совхозида оқсил касали карантинини бекор қилиш» каби бирқанча масала муҳокама қилинганлиги кўрсатилган. Аслида эса Ховос район ижроия комитетида худди шу кўрсатилган куни мажлис бўлмаган. Худди мана шунақанги «антиқа» усул блан район ижроия комитетида бу йил 8 марта мажлис «ўтказилган». Ғўё бу мажлисларда райижроком а'золарининг «актив қатнашишлари» блан 81 та муҳим масала «муҳокама» қилинган.

Район ижроия комитети а'золаридан, район партия комитетининг биринчи секретари А. Мирдадаев, Ховос темир йўл станциясининг бошлиғи М. Синягин, район милициясининг бошлиғи А. Боқиев ўртоқлар 8 мажлисининг бирортасида ҳам қатнашмаганлар. 1-нчи МТС зонаси бўйича райком секретари М. Собиров бир марта, врач М. Маҳсумова 2 марта мажлисга қатнашганлар, холос. Демак, район ижроия комитети қарорларини фақат Бойботиров блан Шодиев қабул қилаберган. Қолган а'золарнинг оғирлиги ҳам, енгиллиги ҳам йўқ.

Район Совети ҳузурида 7 та доимий комиссия бор. Лекин 57 депутатни ўзига жалб этган доимий комиссияларнинг рўйхати тузилган-у, аммо ҳали бу рўйхатнинг тахи бузилмаган. Ҳечким бу доимий комиссиялар нима иш қилаяпти, деб суруштирмаган. Ақалли кўнгил учун бу комиссияларнинг иш плани ҳам тузилмаган.

Райкомнинг 1-нчи МТС зонаси бўйича секретари М. Собиров раис бўлган бюджет комиссияси, райкомнинг иккинчи МТС зонаси бўйича секретари Э. Исломов раис бўлган қишлоқ хўжалик комиссияси, темир йўл сиёсий бўлимининг бошлиғи А. Валмаков раис бўлган халқ маорифи ва ободончилик комиссияси, ўртоқ Д. Казаков раис бўлган савдо ишлари бўйича доимий комиссияси жуда кўп ишларни э'тибордан четда қолдирмоқда. Броқ меҳнаткашлар депутатларининг район Совети бу доимий комиссияларнинг фаолиятини активлаштириш учун ҳечқандай чора кўрмаётир.

Район матлубот жамияти аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун етарли иш қилмаётир. Матлубот жамиятида ошнаоғайнигарчилик йўли блан ишга қабул қилиш, районнинг энг узоқ участкаларидаги магазинларни аҳоли учун кунда зарур бўлиб турадиган товарлар блан та'минламаслик, айрим товарларнинг нархини ошириб сотиш ҳодисалари юз бермоқда. Янги ерда 2-нчи ошхона бор. Бу ошхонага Гадоев деган киши мудирлик қилади. У ўзининг мансабидан фойдаланиб, ошхонада ишлаши лозим бўлган вазифаларга нуқул ўзининг ака-укаларини, хотинининг яқин қариндошларини жойлаштирган. Масалан, унинг хотини Гадоева ошхонада буфетчи, акаси Исҳоқ Гадоев ижкинчи буфетчи, амакиси Гадоев омбор мудирининг ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. Бу ҳақда бирнеча бор сигнал бўлишига қарамай, район матлубот жамиятининг раиси Шароф Умаров ҳозиргача Гадоевларни ҳимоя қилиб келмоқда.

Районнинг Чаман қишлоқ советида 16-нчи сонли магазин бор. Бу магазин шу ерда яшовчи аҳолини зарур моллар блан та'минлаши лозим. Матлубот жамиятининг раиси Шароф Умаров эса бутун биринчи квартал давомида бу магазинга аҳолига энг зарур бўлган моллардан — керосин юбормаган. Совун, туз каби моллар ҳам бу магазинда кам бўлади.

Районнинг ба'зи магазин ва ларекларида айрим моллар колхоз дўконларидагига нисбатан ошиқ баҳо блан сотилаётгани ҳақидаги сигналларга ҳечким қулоқ солмаётир. Колхоз дўконларида бир килограмм майиз 20 сўм сотилгани ҳолда, район матлубот жамиятининг Ховос станциясидаги ларекларида 26 сўмдан сотилмоқда. Район Совети ҳузуридаги савдо комиссияси эса бу ҳақда ҳали ўйлаб ҳам кўрмаган.

Район ижроия комитетининг аппаратида, бўлимларида иш блан келган гражданларга бюрократларча муносабатда бўлиш, уларнинг шикоят ва аризаларини кўрмаслик, районда юз бераётган жиддий камчиликларни очиб ташлайдиган сигналларга ўтакетган даражада менсимай қараш каби ярамас ҳоллар юз бермоқда. Аввало район ижроия комитетининг раиси Иноят Бойботиров турли иш блан келган гражданларни камдан-кам қабул қилади. Бу ерда раҳбарлар томонидан гражданларни қабул қилиш куни белгиланмаган. Хуллас гражданларни қабул қилиш ҳақида ҳечким бош қотирмаётир.

Бир куни биз ўртоқ Бойботировнинг ҳузурида ўтирганимизда тўртта хотин шовқин-сурон қилиб кириб қолди. Улар Бойботировга социал та'минот бўлимининг бошлиғи К. Власованинг кўнболали оналарни сарсон қилаётгани, уларни 3 — 4 соатлаб кутдириб қўяётгани ҳақида шикоят қилдилар. Меҳнаткашларга ана шундай бюрократларча муносабатда бўлиш, уларни менсимаслик каби аҳвол район ижроия комитетида тез-тез учраб туради.

Ховос район ижроия комитетининг ишидаги бу ярамас аҳволларга хотима берилиши керак. Район ижроия комитети меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик блан қулоқ солиши, барча масалаларни коллегиалчилик блан ҳал қилиши, доимий комиссиялар фаолиятини кучайтириши, ҳарқандай бюрократик муносабатларга чек қўйиб, ишда қат'ий бурилиш ясаши лозим. Партия ва ҳукуматимиз биздан ана шуни талаб қилади.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Редакция почтасидан

Кунда аҳвол шу

Кичкинагина буфет ишчилар блан тўла.

— Менга 100 грамм нон беринг, деди ишчилардан бири, буфетчига пул узатиб.

— Мен нонни 100 граммлаб сотмайман, хохласангиз бир бўлагини олинг, бўлмаса нон йўқ, — тўнгиллади буфетчи Полонская.

— Менга тезроқ битта борщ блан котлетга чек ёзиб беринг, ишга кеч қоляпман, — илтимос қилди яна бир ишчи.

— Сизнинг ишдан кеч қолишингиз блан менинг ишим нима, — деди баланд овоз блан буфетчи.

Ишчи аччиқ гапларни эшитиб, иштахаси бўғилди шекилли, буфетдан чиқиб кетди...

Куйбишев ошхона-ресторанлар трестига қарашли Тошкентдаги аравасозлик заводидаги 5-нчи ошхонада кунда аҳвол шу. Ишчилар яйраб овқатланиб чиқиб кетиш ўрнига гоҳ буфетчидан ранжиб, гоҳ залнинг ифлослигидан та'блари хира бўлиб чиқадилар.

— Илгарилари, — дейди, темирчилик-пресс цехининг бош контролери ўртоқ Недовшикина, — мен жон деб завод ошхонасида овқатланар эдим, чунки у пайтларда обед пайттача каесир цехма-цех юриб чек сотиб чиқар эди. Узоғи блан ярим соатда бемалол овқатланиб чиқиш мумкин эди. Ҳозирчи? Ҳозир бундай эмас. Кўп вақтинг чек олиш, сўнгра овқат олиш учун кетади. Хуллас бир соатлик тушки танаффус пайтида на газета-журнал ўқийсан ва на шашка ўйнайсан, на дам олиб хордиқ чиқарасан.

Чиндан ҳам, завод ошхонасида ишчиларнинг тез овқатланиши учун шароит яратиб берилмаган. Ошхонада биттагина буфет бўлиб, нон ҳам, лимонад ҳам, овқат учун чек ҳам шу ерда сотилади.

Ошхонада 300 га яқин ишчи овқатланади. Ишчиларга пиширib бериш учун турли озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса гўшт ҳоимо етарли миқдорда берилади. Броқ пиширилаётган овқат сифатсиз, унинг ассортименти кам. Ишчилар кўпроқ талаб қилаётган манти, мастава, чучвара, палов каби овқатлар пиширилмайди.

Ошхонада санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмайди. Стол устига салфетка, графин, стаканлар қўйилмаган. Зал ифлос, полда нон бўлаклари, суяк ва қоғозлар сочилиб ётади. Шу вақтгача ошхонада умивальник ўрнатилмаган, овқатлардан намуна қўйиладиган витрина ташкил этилмаган.

Завод ишчиларининг йиғилишида сўзга чиққан қуюв цехининг бригадири Сотиболдиев, ёғоч цехининг ишчилари Шерипов, Суходойский ўртоқлар ошхонада тартиб ўрнатилишини талаб қилдилар, броқ бундан ҳечқандай натижа чиқмади.

Ошхона директори Шапиро, директор ўринбосари Циников ўртоқлар ишчилар талабини қондиришлари, ошхонада тартиб ўрнатишлари керак.

Х. НАЗИРОВ.

„Ва'далар оғизда, талаблар қоғозда"

Киров районидаги Лугина проездида 300 га яқин хонадон бор. Ўтган йили район ремонт конторасиги проездаги айрим уйларни капитал ремонт қилабошлаган эди. Орадан бир йил ўтиб, ремонт ишлари тугади. Уй эгалари хоналарга кўчиб киришди. Броқ, ремонт ишлари тугагунча кўчада ноқулай аҳвол юз берди. Уйлардан чиқариб ташланган ахлат ва тупроқлар том баравар уюлиб кетди...

Ёзнинг иссиқ кунлари етиб келди. Ахлат уюми тобора кўпаяборди. Шунда ҳам ремонт конторасининг раҳбарлари кўчани тозалаш масаласига э'тибор бермадилар. Ёз ўтиб, куз ҳам келди. Маҳалла комиссиясининг секретари Султонов кўчани тозалаш учун ёрдам сўраб, район Совети ижроия комитетига бирнеча марта ариза блан мурожаат қилди. Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Нуруллаев «Ҳўп, албатта ёрдам берамиз» деб, қайта-қайта ва'да берди. Броқ, ва'далар оғизда, талаблар қоғозда қолиб келмоқда.

Мана, бу йилги қиш ҳам ўтди. Серёғин кунларда кўчадаги тупроқлар ботмон-ботмон лойга айланди, ариқлар кўмилиб кетганидан 25-нчи уйнинг ҳовлисига сув тошиб ошхона деворлари қулаб тушди.

Биз меҳнаткашлар, кўчани тупроқ ва ахлатлардан тозалаб, ахлат яшиги ўрнатиб берилишини район ижрокомидан талаб қиламиз.

У. АБДУРАЗЗОҚОВА,
М. МИРЗАЖОНОВА.

Барча экинларни юқори сифатли парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратайлик!

☆ ☆

Фойдали янгиликни қўллаб-қувватлаймиз

Бизнинг бригада а'золари 95 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта ҳосили олиш, етиштирилган пахтанинг таннархини камайтириш, бунинг учун меҳнатни, моддий-техника воситаларини тежаб тўғри сарфлаш, техникадан унумли фойдаланиш мажбуриятини олдилар. Пахтачиликда янги, прогрессив метод—уялаб чигит экишни кенг жорий қилиш бизга жуда катта имкониятларни очиб беради. Шунинг учун колхозчиларимиз зўр қизиқиш билан бу янги усулни жорий қилмоқдалар.

Квадрат-уялаб чигит экишни биринчи марта жорий қилинабошланганлиги учун бу ишга пухта тайёрлик кўрдик. Агрегат а'золари МТСда ўқиб, колхозда амалий машғулотда бўлиб ишда моҳирлик кўрсатдилар. Тракторчи Иван Харьковский, контролёр Обиджон Абдулахатов ўртоқлар чигит экиш даврида айниқса жонбозлик билан ишладилар. Улар 86 гектар ерга 60х60 схемаси билан квадрат-уялаб чигит экдилар. Ҳозир тракторчиларимиз, агрегат а'золарининг ўз вазифаларини қанчалик софдиллик билан бажарганликларини қийғос ўниб чиққан яшил квадратлар яққол кўрсатиб турипти.

Ҳозир бригада далаларида иш янада қизғин тус олмоқда. Бригаданинг барча а'золари яшил квадратларни тўла сақлаб қолиш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда ғўза қатор ораларини ҳам узунасига, ҳам кўндалангига ишлаш бошланиб кетди, ягонани қисқа муддатда тамомлаш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳозир бригадамиз далаларида бир трактор муттасил ғўза қатор ораларини ҳам узунасига ва кўндалангига культивация қилиш билан банд. Икки трактор эса бир бўлак еримиздаги торқаторлаб экилган ғўзаларни 60х45 схемасига мувофиқ қирқиб ягана қилмоқда. Оддий-қаторлардаги ғўзаларни 60х45 схемасига мувофиқ машина билан ягана қилишда тракторчи Шўлат Тошхўжаев айниқса моҳирлик билан ишлаб, бизга катта ёрдам бермоқда. Кўндалангига қирқиб ягана қилинган ерларда ғўзалар қўл билан ростланиб букетланмоқда. Ягана билан бирга ҳар гектар ерда белгиланган сонда ғўза тупларининг бўлиши масаласи ҳам ҳал этилади. Шунинг учун биринчи букетлаш вақтида ҳарбир уяда 3, ба'зан 4 туп ғўза қолдирмоқдамиз. Агар ба'зи уяларда туплар кам бўлиб қолса, қўшимча кўчат ўтказмоқдамиз.

Ҳозирги пайтда асосий вазифа ғўзаларни тез ривожлантиришдан иборат. Ягонани сифатли қилиб ўтказиш билан ғўзаларнинг ривожланишига яхши шароит яратиб берамиз. Броқ, ягонанинг ўзи билан иш тугамайди. Биз фақат дастлабки даврда эмас, балки бутун ўсув даври давомида ғўзаларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб беришмиз зарур. Далаларда биронта ҳам ёввойи ўт бўлмаслиги, қатор оралари доим юмшоқ ва етарли даражада нам бўлиб турмоғи лозим.

Бригадамиз а'золари, механизаторларимиз ғўзанинг ўсув давридаги парваришини ҳар участканинг ўз шароитига мувофиқ белгиланган муддатларда ўтказиш учун бутун кучларини сафарбар этадилар.

А. РУСТАМОВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг бригада бошлиғи.

Яшил квадратларда ғўза яхши ривожланмоқда

Верхне-волинск районидаги Жданов номли колхоз а'золари районда биринчилар қаторида чигит экишни муваффақиятли тугаллаган эдилар. Чигит яхши ишланган ерга экилганлиги учун ҳозир ёш ғўзалар бир текис ям-яшил бўлиб бўй чўзмоқда. Колхоз а'золари МТС механизаторлари блан ҳамкорликда ғўзанинг дастлабки парваришига киришдилар. Колхозчиларнинг бир қисми пайкалларда қаторораларини юмшатмоқдалар, шу блан бирга кўплаб маҳаллий ўғит жамғармоқдалар.

Илғор механизатор ўртоқ Қ. Мамедов 4 кун ичида 50 гектар ерни культивация килди. Ғўза парваришини ўтказишда Б. Ярлаканов, Т. Ҳолматов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари колхоз бўйича олдинда бормоқдалар.

Шунингдек, Куйбишев номли, «Қизил Октябрь» колхозларида ҳам ғўза парваришн зўр уюшқоқлик блан ўтказилмоқда. Куйбишев номли колхознинг У. Толиев, Т. Турсунов ўртоқлар бошлиқ бригада ерларига чигит қайтадан сифатли қилиб экилди. Ернинг нами қочиб, чигит униши кечиқаётган ерларга чигит суви берилиб, чигит текис ундириб олинмоқда. Қатқалоқ босган ерлар бороналаниб, культивация қилинмоқда. Кўпгина бригада ва звеноларда ғўзанинг дастлабки парвариши тугалланиш олдида турипти.

М. АГАЛИЕВ,
Б. ТЕШАБОЕВ,
У. ЗГАМҚУЛОВ,
Р. ЖУМАБОЕВ.

Ғўза парвариши уюшқоқлик блан ўтказилмоқда

Мирзачўл районидаги Ленин номли колхоз а'золари партия ва ҳукуматимизнинг қарорларидан илҳомланиб, қишлоқ хўжалигини комплекс равишда ривожлантириш учун астойдил курашмоқдалар. Колхоз а'золари бу йил чигитни барвақт экиб олиб, ғўза қаторораларини узунасига ва кўндалангига ишлашни ҳам бошлаб юбордилар. Механизаторлар колхозчилар блан ҳамкорликда ишлаб, ҳамма ишни механизация кучи блан бажаришни жорий қилмоқдалар.

Бригада механиги Шодиев ва Лопин ўртоқлар квадрат-уялаб экилган қаторораларини ишлашни намунали олиб бориш мақсадида универсалчилар блан алоҳида семинар ўтказдилар. Натижада универсалчилардан Суванқулов, Сивистов, Бобоев ўртоқлар кунлик нормаларини 160 —170 процент бажармоқдалар. Ҳозир колхозда ғўза қаторораларини трактор блан культивация қилиш намунали бажарилмоқда. Ғўза қаторораларини иккитомонлама ишлаш колхозчилар қўл меҳнатини анча енгиллаштирмоқда.

Шоймардонов, Маражапов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари чигитни биртекис ундириб олиб, биринчи чопиқ ва ягаталаш планини 80—85 процент қилиб бажардилар.

Колхоз а'золари ҳозир ҳамма куч ва резерврларни ғўза парваришини сифатли ўтказишга қаратмоқдалар.

Б. САМАТОВ.

Мўл ҳосил учун

Бекобод районидаги 3-нчи «Дальварзин» совхозининг 5-нчи бўлимидаги Маматқулов, Бозорқулов ўртоқлар бошлиқ бригада ишчилари бу йил пахтадан янада мўл ҳосил етиштириш учун зўр бериб курашаётирлар. Бригада ишчилари барча участкаларга чигитни янги, прогрессив усулда экиб тугалладилар. Бу участкалардаги чигитлар бир текис униб чиқди. Экишда универсалчи ўртоқ А. Оқназаров юқори кўрсаткичларга эришди. У, 185 гектар ерга янги усулда чигит экиб, универсалчиларга намуна бўлди. Ўртоқ А. Оқназаров эришган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш учун 1500 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб бериш мажбуриятини олди. Ҳозир бригада участкаларида культивация қилиш иши ҳартарафлама кучайтириб юборилди.

А. ЭҲСОНОВ.



Бекобод районидаги «Большевик» колхозида бу йил ғўзанинг энг кўп қисми машина блан ягана қилинмоқда. Йигирма йилдан бери тракторчи бўлиб ишлаб келаётган моҳир универсалчи ўртоқ Эшонқул Турдибоев 60х45 схемасида ўстирилаётган ғўзани машина блан яганалашни муваффақиятли ўтказмоқда. У ҳозир кунига 9—10 гектар ернинг ғўзасини ягана қилмоқда. **Суратда: Э. Турдибоев** (рамкада) колхознинг 4- и бригадасида ғўзани яганаламоқда.
А. Аверьянов фотоси.

Ўртасаройда дала ишларининг сур'ати паст

(«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан).

Ўртасарой райони бу йил чигит экишни биринчилар қаторида тамомлади. Хато чиққан ва ғўзаси совуқ урган жойларга қайта экилган чигитлар ҳам биртекис униб чиқди.

Броқ, районда ғўза парвариши талабга мутлақо жавоб бермайди. Район раҳбарлари, МТСларнинг директорлари ғўза парваришини кучайтириш тўғрисида бир-бирлари блан маслаҳатлашадилар-у, аммо механизаторлар ҳамда колхозчиларни дала ишларига тўла сафарбар қилишда амалий тадбирлар белгиламайдилар. Яқинда район партия комитетига МТСлар ва колхозларнинг раҳбарлари чақирилиб, бу ерда уларга ғўза парваришини кучайтириб юбориш тўғрисида топшириқ берилди. Биринчи МТС директори ўртоқ Ёдгоров МТСга қайтиб келгач, райондан олган топшириқни ўз кабинетига йиғилган кишиларга айтиб берди. У, шу блан қаноатланди.

Биринчи МТСдаги аҳвол иккинчи МТСда ҳам учрайди. Ҳар иккала МТС хизмат қиладиган колхозларда ғўзани механизация асосида ягана, культивация қилиш топшириғи жуда қониқарсиз бажарилмоқда. Районда ғўза яганаси 15 майгача тугаллаланди, деб график тузилган эди. Ваҳоланки бу топшириқ энди 42 процент бажарилди. Ҳариккала МТС раҳбарлари «универсал»ларнинг кўп қисмига культиватор тиркаб қўйилди деб айтсалар ҳам, лекин улар «универсал»ларнинг тўла ва унумли ишлаши юзасидан тегишли тадбирларни кўрмаётирлар.

Охунбобоев номли, Буденний номли колхозларда ғўза парвариши айниқса қониқарсиз. Охунбобоев номли колхознинг Ш. Раҳматов бошлиқ бригадасида ёш ғўзаларни ўт босиб, уларни ўсишдан орқада қолдирмоқда. Колхоз раиси ўртоқ Саломов далаларда ҳақиқий аҳволни ҳисобга олмайди. У, бу йил об-ҳаво шароити ноқулай келди, шунинг учун кечикмоқдамиз, деб ўзини юпатиб юрибди. Колхоз раиси бунинг ўрнига барча кучни дала ишларини намунали ва сифатли ўтказишга сафарбар этиши, колхозчилар ҳамда механизаторларнинг унумли меҳнат қилишлари учун уларга барча шароитларни яратиб бериши керак эди.

Буденний номли колхозда меҳнат интизоми жуда бўшашиб кетган. Бунинг устига колхоздаги 5 трактордан 1 таси ҳам тузукроқ ишламайди. Колхозда механизация асосида ягана қилиш сифати бузулмоқда.

Райондагина эмас ҳатто республикамизда машҳур бўлган «Полярная звезда» колхозида ҳам аҳвол яхши эмас. Бу колхоздаги тракторлар ғўзани яганалашга мослаштирилмаган, мослаштирилганлари эса талабга мувофиқ ишламаётир.

Ўртасарой район раҳбарлари, МТСларнинг директорлари ғўза парваришини кучайтириб юбориш юзасидан барча тадбирларни кўришлари, колхозчилар ҳамда механизаторларни бу ишга тўла сафарбар этишлари керак.

Ўртасаройлилар ўтган йилги хато ва камчиликларни такрорламасликлари, бу йилги янгича шароитда ишлашни намунали йўлга қўйишлари зарур. Шундагина улар мўл ҳосил етиштиришга эришадилар.

Колхозчилар ва механизаторлар ўртасидаги социалистик мусобақани ҳартарафлама кучайтириш — дала ишларини тез ва юқори сифатли бажарилишида зўр аҳамиятга эгадир. Ишни шундай ташкил қилиб, ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтириб юбориш керак.

Экин майдонлари сувга сероб бўлади

Бўка районидаги 6-нчи ва 7-нчи Кўкорол совхозларининг экин майдонларини сувга сероб қилиш мақсадида магистрал канал қурилмоқда. Кўкорол-Чилласой деб аталучи бу каналнинг узунлиги 30 километр бўлади. Уни қазиб тамомлаш учун 500.000 кубометр ҳажмда тупроқ қазилиб, 2000 кубометр ҳажмда бетон ётқизилиши керак. Ҳозир каналда «Узсовхозстрой»нинг 50 га яқин экскаватори, бульдозери ва скрепер машиналари ишлатилмоқда.

Машинистлар социалистик мусобақани қизитганлари ҳолда жадал сур'ат блан ишлаб, ҳозир каналнинг 20 километрини қазиб бўлдилар. Улар каналнинг қолган қисмини 15 майга битказиш мажбуриятини олдилар.

— Бизнинг мақсадимиз, — дейди иккинчи тош йўллар қурилиши станциясининг механиги И. И. Казачков, — канал қурилишини муддатидан олдин тамомлаб, янги ерга сув чиқариш, бу блан пахтачиликни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

Қурилишда С—80 бульдозерининг машинисти Полвон Муродов кунлик нормани икки баробардан ошириб бажармоқда. У, 470 кубометр ўрнига 800-850 кубометрдан, ДТ—54 бульдозерининг машинисти Са'дулла Ғафуров 270 кубометр ўрнига 500—570 кубометрдан ер қазиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Бу машинистлар ўз агрегатларининг тўхтовсиз ва унумли ишлашини та'минлаш мақсадида машиналарни ўз вақтида техник назоратдан ўтказиб турадилар.

Қурилишни тезроқ битказиш учун «Узсовхозстрой»дан турли хилдаги машиналар келиб турибди.

Я. ИСМАТОВ.

Каноп қатороораларини ишлаш кучайтириб юборилди

Қуйичирчиқ районидаги Ворошилов номли колхознинг а'золари канопни яхши ишланган ерга экдилар. Колхознинг 6-нчи бригада а'золари 60 гектар майдондаги канопни текис ундириб олдилар ва МТС механизаторлари блан биргаликда қаторораларни ишловини кучайтириб юбордилар.

Канопнинг дастлабки парваришини ўтказишда МТС механизаторларидан ўртоқ А. Г. Шетинин юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Шу кунларда у, кундалик нормасини 150 процентдан ошириб бажараётир.

Шунингдек бригада а'золаридан Т. Саримсоқова, М. Тошматова, В. Трусова ўртоқлар қаторораларини ишлашда кундалик нормаларини 150—200 процентдан адо этиб, бригада а'золарига намуна кўрсатаётирлар.

Б. ЮН.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Гулистон районидаги Андреев номли колхоз а'золари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани қизитиб, астойдил меҳнат қилаётирлар. Колхоз а'золари фан янгиликлари ҳамда илғорларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиб, ғўза парваришини кучайтириб юбордилар.

Колхознинг ўртоқ Анорқул Меликўзиев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси 110 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Улар фидокорона меҳнат қилиб, ғўзаларни биринчи культивация ва чопиқдан чиқардилар, ғўзанинг иккинчи парваришини бошлаб юбориш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Колхознинг Йўлдош Тамаев, Ҳасан Ил'ёсовлар бошлиқ бригада а'золари ҳам ғўзани биринчи комплекс парваришдан чиқариб бўлдилар. Универсалчилардан А. Сатторов, М. Ҳайдаров ўртоқлар кундалик иш нормаларини 1,5—2 ҳиссадан ошириб бажараётирлар. Колхоз а'золари пахтачиликни ривожлантириш блан бирга картошка ва сабзавот экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

* * *

Сирдар'ё районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг меҳнатсевар пахтакорлари пахтадан мўл ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар. Ҳозир улар ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. И. Исмоилов, К. Агламов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари социалистик мусобақани кенг қизитиб, ғўзанинг биринчи парваришини ўтказишда илғорлар қаторида борааётирлар.

Шунингдек, «Ҳақиқат» колхозининг С. Ҳолматов бошлиқ бригада а'золари ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун зўр ғайрат блан ишлаётирлар. Улар ғўзанинг биринчи парваришини сифатли қилиб ўтказиб, иккинчи парваришига киришдилар. Ғўза озиқлантирилиб, ўз вақтида қондириб суғорилди. Натижада ғўза бақувват бўлиб, гуркираб ўсмоқда.

О. ИСМОИЛОВ,
Т. ХАЙДАРОВ.

Қорасувда илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланилмаётир

Қорасув районидаги Ленин номли колхознинг а'золари қиш бўйи сидқидиллик блан меҳнат қилиб, эрта кўкламдан бошлабоқ шаҳар меҳнаткашларига турли сабзавот маҳсулотларини тортиқ қилабошладилар. Колхоз ҳозиргача пичи ва хизматчиларга сотиш учун ўз дўконларига 1000 килограммдан ортиқ помидор, 2000 килограммга яқин бодринг жўнатди. Теплицада етиштириладиган бу маҳсулотлар колхозчиларга яхши даромад келтирди.

Колхоз а'золари эртанги картошка ва бошқа сабзавот экинларини сифатли ишланган ерларга экиб олдилар. Парник хўжалиги яхши йўлга қўйилгани учун карам, помидор кўчатлари ўз вақтида ўтказилди. 70 гектарга яқин эртанги картошка культивация ва чопиқдан чиқарилиб, биринчи парвариш барвақт тугалланди. Ҳозир колхознинг айрим бригадаларидаги эртанги карам етилиб, узишга тайёр бўлиб турибди.

Шунингдек, Свердлов номли колхозда картошка ва сабзавот экинлари парвариши агротехника қоидалари асосида, белгиланган муддатларда ўтказилмоқда. Колхоз а'золари бу йил картошка, сабзавот ва полиз экинларини асосан янги, прогрессив усулда экдилар. Улар механизациядан, барча ишчи кучлари ва ички резервлардан унумли фойдаланган ҳолда плондаги 44 ўрнига 61 гектар ерга эртанги картошкани квадрат-уялаб экиб олдилар. Ҳозир бу ерлардаги экинининг дастлабки парвариши муваффақиятли тугалланди. Колхоз далаларида бўлган киши, экинлар парвариши намунали ўтказилаётгани, картошка, сабзи-пиёз ва бошқа хил экинларнинг соғлом ривожланаётганлигини кўриб қувонади. Далаларда ишлаётган колхозчилар бу йил шаҳар меҳнаткашларига барча экинлардан мўл-кўл маҳсулот етказиб бериш учун астойдил курашмоқдалар.

Колхозда экинларни етарли миқдорда озиқлантириш ишига ҳам катта э'тибор берилаётир. Колхоз а'золари шу кунгача дала бошига 9 минг тоннага яқин қўй қийи ва маҳаллий ўғит ташиб келтиридилар. Бу тадбир картошка ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштиришни та'минлашда муҳим роль ўйнайди.

Колхозда меҳнат интизомига тўла риоя қилинади, партия ташкилоти колхозчилар орасида ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, эртанги экинлардан мўл ҳосил етиштириш ва кечки экинларни экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш ишида авангард бўлмоқда.

Райондаги Максим Горький номли ва Калинин номли колхозларда ҳам бу йил аҳвол анча яхшиланди. Колхоз а'золари ўтган йилги хатоларни такрорламаслик учун йил бошиданоқ пухта ишладилар. Максим Горький номли колхоз правлениеси бу йил уруғ сортларини яхшилаш, парник хўжалигини тўғри йўлга қўйишга алоҳида э'тибор берди. Шунинг натижасида 26 ўрнига 30 гектар эртанги картошка ўз вақтида квадрат-уялаб экилди. Карам ва помидор кўчати ўз вақтида ўтказилди.

Колхознинг С. Азизов, О. Зиёров, А. Исроилов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари квадрат-уялаб экилган эртанги картошкаларни биринчи культивация ва чопиқдан сифатли қилиб чиқардилар.

Лекин, бу колхозда ҳали бирмунча камчиликлар бор. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти меҳнатни тўғри уюштиришга, колхозчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга тўла эришаолгани йўқ. Ўзаро социалистик мусобақани уюштиришга расмиятчилик блан қаралмоқда. Бунинг устига правление а'золарининг оила а'золари дала ишларига қатнашмаётирлар. Шунингдек, колхоз правлениеси механизациянинг ролига етарли э'тибор бермай келмоқда. Колхознинг С. Зокиров бошлиқ бригадасида етилиб, ўт босиб кетган 3 гектар картошка ҳалигача на культивация ва на чопиқ қилинган. 3 гектар лавлаги сифатсиз ишланган ерга экилгани учун иш брак қилиниб, у экиш қайтадан ўтказилган, натижада ортиқча меҳнат сарфланган. Колхоз а'золари эртанги карамни 10 майгача етиштириш юзасидан мажбурият олган эдилар. Броқ, колхоз правлениесининг механизациядан фойдаланишга совуққонлик блан қараши, парвариш қилиш ва озиқлантириш ўз вақтида ўтказилмаганлиги сабабли бу мажбурият бажарилмади. Ҳозир ана шундай аҳвол помидори парваришида ҳам такрорланмоқда. Помидорни биринчи ўғитлаш ва чопиқ қилиш вақти, аллақачон етиб келган бўлса ҳам, арзимаган сабаблар блан бу муҳим вазифа кечиктириб юборилмоқда. Худди шунга ўхшаш нуқсонларни Калинин номли колхозда ҳам учратиш мумкин.

Район партия комитети ва ижроия комитетининг раҳбарлари илғор колхозларда эришилаётган муваффақиятлар блан кифояланиб қолмасдан, қолоқ колхозларга яқиндан ёрдам беришлари, мавжуд камчиликларни бартараф этиб, умумий юксалишга эришиш тадбирларини амалга оширишлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Пиллачи қиз Ҳалимахон

Ба'зи кишилар пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида, иккинчилар жамоат чорвачилигини тараққий этдириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда, яна бошқалар эса сабзавотчиликдан мўл ҳосил етиштириб, меҳнаткашларга манзур бўладиган маҳсулотлар етиштириш учун самарали ишлар олиб бормоқдалар.

Касби ҳархил кишиларнинг мақсади битта — социалистик Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровонлигини тобора яхшилаб боришга муносиб ҳисса қўшишдир.

Биз та'рифини бошлаётган қизнинг касби пиллачилик, у блан суҳбатлашган киши унинг сўзларидан, ҳаракатларидан пиллачиликни чин қалбдан севишини дарров сезиб олади.

Ҳали ёши 25 дан ошмаган бу қизнинг шуҳрати нима блан тарқалди?

— Пиллачилик туфайли...

— Бу қиз новатор пиллачилар Олияхон Султонова ва Ҳурмат Тешаевалар даражасига қандай қилиб етишди?

— Пилладан мўл ҳосил олабилгани учун...

Ҳаммаси бўлиб 25 граммни ташкил этган уруғдан 24—25 кун ўтгач, 105—110 килограммга етказиб пилла олиш, халқимизга ранг-баранг ипакли кийимликлар етказиб беришга ҳисса қўшиш қийин, аммо шарафли иш. Бунинг учун тинимсиз кунлар, уйқусиз тунларни бошдан кечиришга тўғри келади. Чунки вақт оз, иш жуда нозик.

Бу серҳаракат қиз — Ҳалимахон ёшлигиданоқ пиллачилик касбини севди, илғор совет агротехника фани ютуқлари ва пилла усталарининг тажрибаларини ўрганди, уни ишлабчиқаришга дадиллик блан жорий қилди.

Мана бирнеча йилларидан буён зўр меҳр блан ишлаб, пилладан мўл ҳосил олаётир ва бу соҳада янгидан-янги ютуқларга эришмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозир ҳамма уни:

— Новатор пиллачи Ҳалимахон Охунова, — деб атайди.

— Пиллачилик жуда нозик иш, — дейди Ҳалимахон, — кези келганда мўлжалга ураолсанг ютасан, озгина бўлса ҳам бепарволик қилиб, ҳисобдан адашдингми ютқазасан. Биз буни кўпйиллик тажрибада синаб кўриб, тўла ишондик.

Биз ишни қурт боқишга пухта тайёргарлик кўришдан бошлаймиз. Бунда ўтган йили йўл қўйилган хатоларнинг ҳаммасини тўлиқ ҳисобга олиб, бир йил ичида пиллачилик соҳасига жорий қилинган янгиликларни тўла ўрганиб чиқамиз. Хатоларни дарҳол бартараф этиб, янгиликни қўллаганмиз.

Масалан, бу йилги тажрибамизни кўрсатиш мумкин. Биз пиллачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган республика кенгаши мурожаатида белгиланган вазифаларни шараф блан бажариш учун амалий ишга киришиб, эрта кўкламдаёқ қуртхоналар ремонтини тамомладик. Печкалар ўрнатилди, ҳархил хашаротларнинг тарқалишига йўл қўймаслиқ учун дезинфекция қилинди. Етарли ёқилғи жамғарилди.

Барг ташиш учун транспорт воситаси ажратилди. Биз ҳам барча қурт боқувчилар сингари беш кунлик семинарга қатнашиб, малакамизни оширдик. Бошқа ташкилий ишлар ҳам уюшқоқлик блан ўтказилди.

Бизда қурт уруғи тут навдаси 4—5 тадан барг чиқарган вақтда очирилади ва дарҳол парваришни бошлаб юборамиз. Бу вақтда барг жуда юмшоқ ва майин бўлиб, ёш пилла қурти уни тез исте'мол қилади ва соғлом ўсади. Аммо, шуни ҳам унитмаслик керакки, уруғни кечиктириб очирилганда барг қотиб қолади, ёш ипак қурти уни яхши еолмайди. Кўпинча қурт парвариши ҳаво жуда исиб кетган вақтга тўғри келиб, ҳархил касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Ундан ташқари пиллачиликда ишлаётган колхозчилар ғўза парвариши қизғин давом этдирилаётган пайтда дала ишларида қатнашаолмай қоладилар.

Биз, ана шу томонларни ҳисобга олиб, пилла қуртини энг яхши агротехника муддатида очирамиз, баргга яхши тўйдириб, соғлом парвариш қиламиз. Натижада ҳар қути ипак қуртидан 110 килограммга етказиб а'ло сортли пилла ҳосили олмоқдамиз.

Бу йил ҳар қути қурт уруғидан 115 килограммдан пилла ҳосили етиштириш учун машҳур пиллачи Олияхон Султонова блан мусобақалашдик. Ўз мажбуриятимизни шараф блан бажариш учун қуртлар парваришини намунали ўтказмоқдамиз. Ҳозир қуртлар 5-нчи ёшни ўтмоқда. Қуртларнинг аҳволи жуда яхши. Уларни кечакундуз тўқ ва соғлом қилиб боқмоқдамиз.

Қуртларнинг ёши ошаборган сари сўкичаклар ҳажмини кенгайтириш зарур. Масалан, биз бир қути қурт уруғини 3-нчи ёшдалигида 20 квадрат метрлик сўкичакларда боққан эдик. Кейинчалик сўкичакларни кенгайтириб нормал ҳолга келтирдик. Қуртларнинг ҳамма ёшида бемалол боқиш мумкин бўлган сўкичакларни эрта баҳордаёқ тайёрлаб қўйган эдик. Бу, қуртлар парваришини янада тезлатиш имкониятини бермоқда.

Пилла қурти ёшлигида унга чумали жуда ўч бўлади. Биз бунга йўл қўймаслик учун звено а'золаридан навбатчилар белгилаб қўйдик. Улар доимо ипак қуртларини назорат қилиб турадилар.

Қуртхонанинг тоза, озода ва ёруғ бўлиши қуртларнинг соғлом ўсишига катта та'сир қилади. Тажрибада кўрдикки, қуртлар ёруғ жойга кўпроқ тўпланиб оладилар. Баргни ҳам шу ерда исте'мол қиладилар. Қуртларнинг бир ерга тўпланиб қолмасликлари учун хонани ҳамма томондан ёруғ ҳолатда сақлаш керак. Биз қуртхонанинг тўрт томонига деразалар ўрнатганмиз. Қуртлар каттароқ ёшга киргандa шу деразаларни очиб, ҳавоси янгилаб турилади.

Қуртларнинг таги вақти-вақти блан ғоналаниб турилиши керак. Бунда ба'зи новдаларга қуртнинг илашиб чиқиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Биз ғоналаб бўлгач, ҳарбир новдани синчиклаб кўздан кечирамиз. Новдага илашиб чиқиб қолган қуртларни дарҳол олиб сўкичакдаги қуртларга қўшиб юборамиз.

Барг сўлимаган ҳолда қуртларга етказиб берилганда айниқса қуртлар уни яхши ейди. Сўлиб қолган баргнинг қуввати ҳам анча камайиб қолади. Шунинг учун баргни сўлитмаслик тадбирларини кўрмоқдамиз. Қуртхоналар ёнида махсус жой тайёрлаб қўйганмиз. Барг шу ерга тахланиб, устини шолча блан ўраб қўйилади. Шундай қилиб ҳар сафар ҳам баргни пилла қуртига сўлимаган ҳолда етказиб бериш мумкин бўлмоқда.

Ҳалимахон Охунова айтганидек, ипак қуртини чин меҳр блан, агротехника қоидалари асосида парвариш қилган ҳарбир киши пилладан мўл ҳосил олиши мумкин. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Гап ана шу имкониятлардан усталик блан фойдаланишда.

М. НАЗАРОВ.
Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз.

В. М. Молотовнинг Венада бўлиши

ВЕНА, 16 май. (ТАСС махсус мухбири). СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов ва у блан бирга бўлган кишилар бугун Австриядаги Совет нефть бошқармасига қарашли нефть конида ва Венадаги «Симменс — шуккерт—2» заводида бўлдилар. В. М. Молотов бу заводда ишчилар ва хизматчилар блан суҳбатлашди ҳамда уларга қарата қисқа нутқ сўзлади.

В. М. Молотов кундуз куни, Венани озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчиларининг Сталин номли майдондаги ҳайкалига гулчамбар қўйди.

Австрия республикаси федерал ташқи ишлар министри Л. Фигльнинг таклифига мувофиқ, В. М. Молотов кечқурун Вена опера театри спектаклини тамоша қилди.

В. М. Молотов Венадан жўнаб кетди

ВЕНА, 17 май. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов бугун Венадан Москвага жўнаб кетди.

Бад-Веслау аэродромида В. М. Молотовни Австрия республикасининг федерал канцлери Ю. Рааб, канцлер ўринбосари А. Шерф, ташқи ишлар министри Л. Фигль, ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Б. К. Рейский, Австриянинг СССРдаги элчиси Н. Бишофф, Австрия ташқи ишлар министрлиги сиёсий бўлимининг бошлиғи элчи И. Шенер, бирқанча мамлакатларнинг Венадаги элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари ҳамда мас'ул ходимлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек Австрия ва четэл матбуотининг вакиллари кузатиб қолдилар.

В. М. Молотовни СССРнинг Австриядаги Фавқулодда ва Муҳтор элчиси ҳамда олий комиссари Н. И. Ильичев, СССРнинг Австриядаги олий комиссарининг ўринбосарлари В. М. Краскевич ва С. М. Будрявцев, Австриядаги совет оккупацион қўшинлари қўмондони вазифасини бажаручи генерал-лейтенант И. И. Бойков, Австриядаги совет элчихонаси ва СССР олий комиссари аппаратининг мас'ул ходимлари ҳам кузатиб қолдилар.

Аэродромда фахрий қоровул қўйилди ва СССР ҳамда Австрия Давлат гимнлари ижро этилди.

В. М. Молотов ва федерал канцлер Ю. Рааб қисқача нутқ сўзладилар.

В. М. Молотов ўз нутқида бундай деди:

«Совет делегацияси меҳмон дўст Венадан кетатуриб, Австрия Шартномаси тўғрисидаги масаланинг муваффақиятли суратда ҳал этилганлигидан ғоят қаноат ҳосил қилганлигини яна бир марта изҳор қилишни истарди.

Қабул қилинган қарор Австрия халқининг самимий интилишларига муносиб эканлиги катта аҳамиятга эгадир.

Тузилган Шартнома шу блан бирга Европада тинчликни мустаҳкамлаш ишига, бинобарин умумий тинчлик ишига ҳам хизмат қилади.

Бу ерда ҳал этиш пайти келган масалалардан бири юзасидан битимга келинганлиги бошқа муҳим халқаро масалаларда ҳам ҳаммага намуна бўлишини истардик.

Самимий кутиб олганликлари учун Австрия ҳукуматига ва Вена аҳолисига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилишга ва Австрия халқининг муваффақиятлар қозониши ва фаровон ҳаёт кечиришини исташга руҳсат берингиз».

Федерал канцлер Рааб жавоб нутқида федерал ҳукумат ва мамлакат аҳолиси Венада ва Австрияда Совет Ташқи ишлари министрини ва унинг ходимларини зўр ҳурсандчилик блан табриклаганликларини уқтириб ўтди. Федерал канцлер В. М. Молотовнинг муваффақиятли иш олиб борганлиги учун унга австрия аҳолисининг ташаккурини билдирди. Давлат шартномаси тузилганлиги натижасида, деди канцлер Рааб, Австрия ўз озоллиги ва мустақиллигига яна эга бўлди. Бу эса бутун дун'ёда кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилиши лозим. Биз, деб сўзини давом этдирди Рааб, Ташқи ишлар министри жаноблари, Сизнинг бу ишда катта хизмат кўрсатганлигингизни биламиз ва бу нарса халқимизнинг тарихида доим қайд қилинади. Австрия халқи бутун дун'ёда тинчлик йўлида меҳнат қилишни хоҳлайди. Австрия халқи Сизга ва Совет Иттифоқига бахт-саодат тилайди ва шу визит учун самимий ташаккур билдиради.

ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИЖРОИЯ БЮРОСИНИНГ СЕССИЯСИ

Москвада Жаҳон касаба союзлари федерацияси Ижроия бюросининг сессияси тамом бўлди. Якунловчи мажлисда Луи Сайяннинг «Тинчлик учун, атом уруши планларини барбод қилиш учун ва меҳнаткашларнинг талаблари учун халқларнинг биргаликда олиб бораётган курашида касаба союзларининг роли» ҳақидаги доклади юзасидан резолюция; Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари вакилларининг шу йил апрель ойида бўлган конференцияси ташкилот комитетига Ижроия бюронинг мактуби ва Луиджи Грассининг «Меҳнаткаш хотин-қизлар Халқаро конференциясини ташкил қилиш ва уларнинг касаба союз ҳуқуқларини ҳамда энг муҳим талабларини ҳимоя қилиш» ҳақидаги доклади юзасидан резолюция тасдиқланди.

ЖКСФ Ижроия бюросининг сессиясида 1956 йил июнь ойида меҳнаткаш хотин-қизларнинг Халқаро конференциясини чақириш ҳақида қарор ҳам қабул қилинди ва қуйидаги кун тартиби таклиф этилди:

1. «Тенг меҳнат учун тенг ишҳақи» принципини амалга оширириш мақсадида меҳнаткаш хотин-қизларнинг ва касаба союзларнинг ишҳақини ошириш учун, дискриминациянинг ҳамма формаларига қарши, меҳнаткаш хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун, уларнинг ҳуқуқларини қўлга киритиш учун ва тинчлик учун кураш».

2. Меҳнаткаш хотин-қизларни касаба союзларга кенгроқ жалб қилиш учун, уларнинг касаба союзлар фаолиятида ва касаба союзларга раҳбарлик қилишда актив иштирок этишлари учун.

Шу блан ЖКСФ Ижроия бюросининг сессияси ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

СОВЕТ ОЛИМЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ХИТОЙДА БЎЛИШИГА ДОИР

ПЕКИН, 16 май. (ТАСС). ХХР Фанлар академиясининг таклифига биноан, СССР Фанлар академияси вице-президенти академик Бардин бошчилигида Хитойга келган совет олимлари делегацияси яқинда Шанхайда бўлди. Совет олимлари шаҳардаги илмий-текшириш муассасаларини, олий ўқув юртларини, саноат корхоналарини, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларини бориб кўрдилар.

Шанхайда совет олимлари улуғ хитой революционер-демократи Сунь Ят-сен туғилган уйни, шунингдек Хитой адабиётининг классиги Лу Сюнь уй-музейини ҳам бориб кўрдилар, пионерлар саройида бўлдилар, хитой операсини тамоша қилдилар.

«Гуанминжибао» газетасининг бугунги хабарига қараганда совет олимлари делегациясининг а'золари Шанхайда бўлган вақтларида шаҳарнинг илмий доиралари учун металлургия, электр асбобсозлик назарияси, физика ва химия фанлари проблемалари, шартли рефлекслар ҳақидаги павловча та'лимотнинг асослари тўғрисида бирқанча докладлар қилганлар.

«БИЗ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК СИСТЕМАСИ БАРПО ЭТИЛИШИГА ИНТИЛИБ КЕЛДИК ВА БУНДАН БУЁН ҲАМ ШУНГА ИНТИЛАМИЗ»

ВАРШАВА, 16 май. (ТАСС). Халқ-демократик Польша жамоатчилиги Европа давлатларининг Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан ўтказилган Варшава кенгашининг қарорларини қизғин табриклamоқда.

«Трибуна люду» газетаси «Куч, дўстлик, тинчлик» сарлавҳали бошмақоласида бугун бундай деб уқтириб ўтади: 1955 йил 14 май куни жаҳон тарихига ёзилади. Европадаги саккиз давлат бош министрлари, шу жумладан Совет Иттифоқи бош министри ўша куни дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги шартномага қўл қўйдилар. Бу шартноманинг ғоят чуқур ма'носи шундан иборатки, унда қатнашучи ҳамма давлатларни иттифоқчиларнинг ҳарбири ва ҳарбирини ҳаммаси биргаликда ҳимоя қилади.

Шу нарса ғоят катта аҳамиятга эга бўлган омилдирки, деб ёзади газета, Осиёнинг буюк давлати Хитой Халқ Республикаси Варшава кенгашининг қарорларини қўллаб-қувватламоқда. Кенгашда қатнашган Хитой кузатучиси, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари ва мудофаа министри Пин Дэхуай буни бор кучи блан та'кидлаб айтди.

Тинчлик лагеридаги давлатлар ҳечкимга таҳдид қилиш ниятида эмас. Варшава кенгаши бунинг учун тўплангани йўқ. Ғарбий Германияни ремилитаризация қилиш хавфи юз берганлиги муносабати блан вужудга келган вазият тинчлик лагери мамлакатларини Варшава шартномасини тузишга мажбур этди. Лекин биз, деб давом этдиради «Трибуна люду» газетаси, барча Европа давлатларининг социал системаси қандай бўлишидан қат'и назар, уларнинг иштирокига асосланган Европа коллектив хавфсизлик системаси барпо этилишига интилиб келдик ва бундан буён ҳам шунга интиламиз. Бу интилишни шу нарса яққол ифода қиладики, бизнинг Шартномамиз барча Европа давлатларининг иштирок қилиши учун очиқдир. Бу интилишни шу нарса ҳам ифода қиладики, Умумевропа коллектив хавфсизлик системаси тузилган тақдирда шартнома ўз кучини йўқотади. Тинчликни та'минлашнинг энг яхши йўли бўлган коллектив хавфсизлик бизнинг ўзгармас мақсадимиз бўлиб қолади.

Сўнгра «Трибуна люду» газетаси бундай деб ёзади: Варшава кенгашининг қатнашчилари, тинчлик лагери Германияни тинч йўл блан қайтадан бирлаштиришга астойдил интилмоқда, деб уқтириб ўтдилар. Янги шартнома герман милитаризмига қарши тўсиқни кучайтиргани ҳолда, немис халқининг тинчликка бўлган ва ўз мамлакатининг бирлигига бўлган интилишида унга асло тўсиқ бўлмайди.

Ҳозирги вақтда биз ўз чегараларимизнинг бузилмаслигига, фожиали мағлубият бундан буён ҳечқачон такрорланмаслигига қаттиқ ишонамиз. Ҳозиргача халқимиз тарихида бундай қаттиқ ишониш даври ҳечқачон бўлмаган эди. Биз 900 миллион кишини — 900 миллион дўст ва иттифоқчиларни ўз ичига олган қудратли лагерьнинг бир қисмимиз.

ВАРШАВА КЕНГАШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТЭЛ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

Тинчлик кучлари уруш кучларидан устундир

ПЕКИН, 16 май. (ТАСС). Бугун марказий газеталар Варшава кенгашининг якунловчи ахбороти текстини, шунингдек Варшавада бўлган оммавий митинг ҳақидаги хабарни биринчи саҳифаларида босиб чиқардилар.

«Гуанминжибао» газетаси бошмақоласида бундай деб ёзади: Варшава кенгаши тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда катта роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда тинчлик, демократия ва социализм лагери мамлакатлари, деб ёзади сўнгра «Гуанминжибао» газетаси, қудратли кучни ташкил этади. Бутун дун'ёдаги бирлашган тинчлик кучлари уруш кучларидан кўп марта ошиб кетади. Шунинг учун, агар империалистлар янги жаҳон уруши чиқаришга ботинадиган бўлсалар, улар қаттиқ мағлубиятга учрайдилар.

Хитой халқи, деб ёзади ўз мақоласининг охирида «Гуанминжибао» газетаси, Варшава кенгашининг қарорларини тамомила қўллаб-қувватламоқда ва Европадаги тинчликсевар давлатларнинг Европада ва бутун дун'ёда тинчликни та'минлашга қаратилган куч-ғайратларини ҳамма йўллар блан қўллаб-қувватлайди.

ЧЕХОСЛОВАК ХАЛҚИ АВСТРИЯ ДАВЛАТ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНГАНЛИГИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ПРАГА, 16 май. (ТАСС). Чехословакия матбуоти ва радиоси Венада Австрия блан давлат шартномаси имзоланганлигига катта э'тибор бермоқда. Австрияни мустақил ва демократик ҳолда кўришни ҳамиша истаб келган чехословак халқи, деб ёзади «Руде право» газетаси бошмақоласида, шартнома имзоланганлигини самимий табриклamоқда. Суверен, демократик, бетараф Австрия тузилганлиги Австрия халқи учун, гина эмас, балки бошқа халқлар учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга. Бу ҳам Европада ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида катта қадамдир, Европада сиёсий аҳволни стабиллаштириш йўлида олга қараб қўйилган қадамдир.

Австрия давлат шартномасининг имзоланиши, деб ёзади «Руде право» газетаси, асосан шунинг учун мумкин бўлдики, Совет Иттифоқи Австрия проблемасини тинч йўл блан ҳал этишни тезлаштириш учун ғоят катта куч сарфлади. Газета уқтириб ўтадики, Совет Иттифоқи озод қилинган Австрия территориясида 1945 йил апрель ойи охирида тузилган муваққат Австрия ҳукуматини биринчи бўлиб таниди. Ўша вақтдан буён Совет Иттифоқи ўн йил мобайнида Австриянинг мустақил, суверен, демократик давлат бўлиб қолиши учун, Австриянинг ҳечқандай ҳарбий блоклар блан боғланмаган ва ўз территориясида четэл ҳарбий базалари бўлмаган давлат бўлиб қолиши учун ғайрат блан курашиб келди. Совет Иттифоқи австрия халқининг манфаатларини кўзда тутиб, айни бир вақтда Австрияни Ғарбий Германиянинг бу мамлакатни аншлюсс қилиши хавфидан ҳимоя қилиш учун курашиб келди. Ғарбий Германияда милитаризм ва реваншистик тенденциялари яна тикланмоқда ва кучаймоқда.

Совет Иттифоқи, деб ёзади «Руде право» газетаси, яна бутун дун'ёга равшан кўрсатдики, Совет Иттифоқи жанжалли масалаларнинг, улар қанчалик мураккаб бўлмасин, халқларнинг миллий ҳуқуқлари ва мустақиллиги ҳурмат қилиниши шарти блан, музокаралар йўли блан ҳал этилишига интилиб келмоқда. Австрия давлат шартномаси бизнинг кунларимизда низо'ли масалаларнинг «зўравонлик позицияси» ёки «совуқ муносабатлар уруши» йўли блан ҳал этилаолмаслигини кўрсатади.

Суратда: Киноартист С. Гурзо ва композитор А. Горелов Сталин номли пионерлар саройида болалар орасида. В. Володин фотоси.

☆ ☆

Сталин мукофоти лауреати Сергей Гурзо блан учрашув

Яқинда Сталин номли пионерлар саройида шаҳар пионер ва ўқучиларининг Москвадан Тошкентга меҳмон бўлиб келган икки марта Сталин мукофоти лауреати Сергей Гурзо ва композитор Александр Горелов блан учрашувлари бўлди. 400 га яқин ёш тамошабинлар меҳмонларни қизғин кутиб олдилар.

Сергей Гурзо совет тамошабинларига кўпгина кинофильмларда ўзининг катта маҳорат блан ижро этган рольлари туфайли ма'лум. У «Ёш гвардия», «Жасур кишилар», «Тинчлик кунларида», «Тоғлар орасидаги застава» кинофильмларида бирқатор унитилмас образларни яратаолган.

Учрашувда Сергей Гурзо миллионлаб китобхонлар томонидан севилиб ўқилган ва ўқилаётган А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи асосида ишланган шу номли кинофильмнинг ишланиши, бунда ўзи яратган Сергей Тюленин образи устида қандай ишлар олиб боргани ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди.

«Ёш гвардия» китобини ўқиган ва бугунги учрашувга йиғилган ёш китобхонлар, тамошабинлар Сергей Гурзога жуда кўп саволлар бердилар.

Композитор Александр Горелов 1948 йилда Прагада бўлиб ўтган демократик ёшлар ва студентлар биринчи фестивалидан олган таассуротларини сўзлаб берди. Сўнгра Александр Горелов ёзучи Илья Эренбургнинг «Парчаланган скрипка» номли мақоласи асосида ёзган қўшиғини ва «Солдат котелоги» қўшиғини айтиб берди.

Учрашув охирида Сталин номли пионерлар саройи тўгараклар совети раиси Мая Орифжонова шаҳар пионер ва ўқучилари номидан москвали сан'аткорларга ташаккур айтиб, уларга гулдасталар тақдим қилди.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Чирчиқ шаҳри обод бўлмоқда

Ўрта Осиё машинасозлиги заводининг ишчи ва хизматчиларидан 50 дан ортиқ киши якка тартибда уй-жой бинолари қуриб олмоқда. Булар орасида қувов цехининг мастери Новоленко, транспорт цехи машинистининг ёрдамчиси Медведев, иккинчи механика цехининг токари Абхаиров ва бошқалар бор.

Завод ма'мурияти уй-жой бинолари қуручилар учун кераклиқурилиш материаллари етказиб бермоқда. Яқинда завод касаба союз ташкилоти якка тартибда уй-жой қуруучиларга 40 минг сўм миқдорида узоқ муддатли қарз пули берди.

Шунингдек шаҳарнинг энг йирик кўчаларига, саноат корхоналари олдига электр соатлари ўрнатилди. «Чирчиқстрой» станцияси, янги колхоз бозори, шаҳар ижроия комитети бинолари олдига икки томонида циферблат бўлган электр соатлар ўрнатилди.

Т. НОСИРОВ.

Ўзбекистон биринчилиги учун шашка мусобақаси

Мусобақанинг тўртинчи тури қизғин кураш вазиятида ўтди. Турнир лидери, спорт мастери Л. Хейф биринчи разрядли В. Яковлев блан учрашиб 32-нчи юришда ғолиб чиқди. С. Гуляев В. Раппопортни ютди. Бу турнирда ёш шашкачи Ф. Ҳасанов Л. Шварц блан учрашиб зўр маҳорат блан ўйнади ва ўз рақибини таслим бўлишга мажбур этди. Спорт мастери Ш. Ёқубов мастерликка кандидат И. Берштейн блан учрашиб ўйинни дуранг қилди. А. Круглов С. Давидов устидан, Е. Черкасский К. Темиров устидан ғалаба қозонди. Л. Кац блан В. Александров ўйини кечиктирилди.

Бешинчи даврада Л. Хейф блан мастерликка кандидат И. Яровскийнинг учрашуви ҳамманинг э'тиборини ўзига тортди. Ўйин қаттиқ курашдан кейин Хейфнинг ғалабаси блан тугади. Е. Черкасский И. Берштейн блан учрашганида катта хатога йўл қўйди ва унга ютқазди, Александров В. Раппопортни ютди. К. Темиров А. Кругловга ютқазди. Ф. Ҳасанов—Ш. Ёқубов ва А. Яковлев — Л. Шварц ўйинлари дуранг бўлди.

Шундай қилиб, бешинчи турдан кейин 4,5 очкога эга бўлган Хейф олдинда бормоқда. Ҳасанов 3,5, Гуляев 3 очкога эга бўлдилар.

ХХР юристлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Хитой Халқ Республикаси юстиция министри Ши Лян бошчилигидаги ХХР юристлари делегацияси Ўзбекистонда саккиз кун меҳмон бўлди. Бу делегация СССР Юстиция министрлиги ва чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган эди.

Делегация а'золари бирқанча қишлоқ районларига бориб, прокуратура ва халқ судларининг иш тажрибаларини ўргандилар, қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти блан танишдилар. Улар Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, маданий-оқартув муассасаларида бўлдилар.

16 майда Хитой Халқ Республикаси юристлари делегацияси Москвага жўнаб кетди.

Делегация бошлиғи ХХР юстиция министри Ши Лян жўнаб кетиш олдидан қуйидагиларни айтди:

—Биз Ўзбекистонда бўлган вақтимизда суд, прокуратура, юстиция органлари, юридик ўқув юртларига, шунингдек саноат корхоналари, колхозлар, театрларга бориш ва Тошкентнинг э'тиборга сазовор жойларини кўриш имкониятига эга бўлдик. Меҳнатсевар ва талантли ўзбек халқи иқтисодий ва маданий қолоқликни енгиб, Ўзбекистонни илғор социалистик республикага айлантирганлигини ўз кўзимиз блан кўрдик. Барча совет халқларининг тажрибаси каби, ўзбек халқининг ҳам хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги тажрибаси ёш Хитой Халқ Республикасига жуда катта фойда келтирганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

—Биз,— деди Ши Лян,— совет юстициясининг бутун фаолияти халққа хизмат қилаётганлигини шодлик блан қайд қиламиз. Биз, Ўзбекистонда юридик фанни юксалтиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилганлигини ҳам та'кидлаймиз. Юридик фаннинг илғор тажрибалари Хитойда суд қурилиши соҳасида бизга катта ёрдам беради.

Ши Лян сўзининг охирида меҳмондўстлик кўрсатганликлари учун делегация а'золари номидан Ўзбекистон меҳнаткашларига самимий ташаккур билдирди ва ўзбек халқининг коммунистик жамият қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилади. (ЎзТАГ).

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Болаларнинг саломатлигини сақлайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг модий фаровонлигини янада яхшилаш ва маданий савиясини ўтҳовсиз юксалтириш блан бирга, уларнинг соғлиғи тўғрисида ҳам тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Шу туфайли бизнинг мамлакатимизда турли хил касалликларнинг олдини олиш, даволаш юзасидан кенг профилактика чоралари амалга оширилмоқда ва бунинг учун барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда.

Партия ва Ҳукуматимизнинг халқ соғлигини сақлаш соҳасида қилаётган доимий ғамхўрлиги натижасидагина илғорлари кенг тарқалган ва кўп кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган турли юқумли касалликлар бизнинг мамлакатимизда деярлик тугатилди. Бошқа хил касалликлар ҳам анча кам учрайдиган бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда илғор медицина фани ютуқлари блан қуролланган совет олимлари юқумлқ касалликларнинг олдини олиш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар. Жумладан, касалликни тўғри ва аниқ белгилашга ёрдам беручи лаборатория диагностикаси методлари жорий қилинмоқда, эҳтиёт чораларини кўриб эмлаш методлари ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилмоқда, медицинада яхши натижа бераётган янгидан-янги дорилар топилиб, улар даволаш ишларида кенг қўлланилмоқда.

Болаларни юқумли касалликлардан сақлаш юзасидан ҳам катта ишлар қилинмоқда. Ма'лумки, болалар организми катталарникига қараганда касалга мойилроқ бўлади. Болалар бошқа касалликларга қараганда қизамиқ, дифтерия (бўғма), скарлатина (қизилча) ва кўкйўтал каби юқумли касалликлар блан кўпроқ оғрийди. Бу касалликларга жуда ҳам майда ва кўзга кўринмайдиган микроблар сабаб бўлади. Касаллик қўзғатучи бундай микроблар беморнинг нафас йўлларида бўлиб, унинг йўталган, аксирган ва ҳатто гапиришаётган пайтида сўлак томчилари блан бирга ташқарига чиқади. Агар микроблари бўлган бундай майда томчиларни соғ бола нафасга олса, унга ҳам шу касаллик юқади.

Бундай юқумли томчилар бирқанча вақт ҳавода муаллақ ҳолида юриши ҳам мумкин. Шундай пайтларда бундан бирнеча минут илгари касал бола ётган бўлма ёки хонага соғлом бола кириб қолса, ҳаводаги ҳалиги микроблар ана шу соғ болага юқиб қолиши ҳеч гап эмас. Дифтерия ва скарлатина беморнинг идиш-товоғи, ўйинчоқлари, дастурхони, сочиғи ва бошқа буюмларидан ҳам юқиши мумкин.

Қизамиқ болалар орасида кенг тарқаладиган юқумли касаллик бўлиб, у фақат соғ боланинг касалга яқин юриши орқасида юқади. Бу касаллик микроблари юққандан кейин 7 —28 кун ўртасида унинг аломатлари пайдо бўлабошлайди. Одатда, қизамиқ блан оғриган боланинг температураси кўтарилади, бурнидан тез-тез сув келиб туради, бола йўталади ва унинг кўзлари қизариб, иштаҳаси пасаяди. Касалликнинг 4—5-нчи кунида бола баданига нуқта-нуқта бўлиб «гул» тошади. У даставвал боланинг юзида, кейин танаси ва оёқ-қўлларида ҳосил бўлади. «Гул» тошиш тахминан 3—4 кун давом этади. Баттароқ ёшдаги болалар ёш болаларга қараганда қизамиқ блан енгилроқ оғрийди. Шунинг учун ҳаммадан аввал ёш болаларни қизамиқ касаллигидан сақлаш чораларини кўриш зарур.

Дифтерия касаллиги соғ болага тўғридан-тўғри касал бола орқали ёки унинг фойдаланган нарсалари орқали юқади. Касаллик юққандан бошлаб унинг аломатлари кўрингунча 2—7 кун ўтиши мумкин. Дифтерия касаллиги аста-секин авж олабошлайди — беморнинг температураси кўтарилади, боши оғрийди, дармони қурийди, ва томоғида оғриқ пайдо бўлади. Касалликнинг биринчи ва иккинчи кунлари томоқдаги бодомча (муртак) безчалар қараш бойлаб, оч-сариқ парда блан қопланади; бу парда кенгайиб катталашаборади. Касаллик оғирлашганда бу парда лак-лук, юмшоқ танглай ва ҳалқумни ҳам қоплаб олади ёки пастга тушиб, ҳиқилдоққа ҳам ёйилади, я'ни дифтерия крупи пайдо бўладики, бу круп касалнинг ҳаётига хавф солиб, нафасини қисиб қўяди. Шунинг учун дифтериянинг бошланиш пайтидаёқ олдини олишга ҳаракат қилиш зарур.

Скарлатина ҳам дифтерия сингари бемор орқали ёки скарлатина микроблари блан ифлосланган буюмлар орқали юқади. Бунда касаллик тўсатдан бошланади — температура бирдан кўтарилиб кетади, томоқ оғриғи бошланади, кўпинча бемор қайт қилади.

Скарлатина блан касаллангач, болада икки кундан кейин ва ба'зан бир кечадаёқ майда-майда қизил тошмалар пайдо бўлади: булар олдин бўйин, кўкракдан бошланиб, кейин бутун баданга ёйилади Тошмалар фақат бурун ва юзда бўлмаслиги мумкин. Бундай қизил тошмалар баданда ўрта ҳисоб блан 2 кундан 5 кунгача туради. Бир-икки ҳафта ўтгач, тери пўст ташлайбошлайди. Скарлатина блан оғриган бемор 40 кун ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақтгача юқумли бўлиши мумкин.

Кўкйўтал, қизамиққа ўхшаб, касал бола теккан нарсалар орқали юқмай, балки бемор блан бевосита яқиндан алоқа боғлаш натижасида юқади. Кўкйўтал аксарият ёш болаларда кўпроқ учрайди. Касаллик аста-секин авж олиб, беморда нафас қисиб йўталиш бошланади ва температура сал кўтарилади. Йўтал айниқса кечқурунлари, кечаси ва эрталаб зўраяди. Оғир ҳолларда бир кеча-кундузда беморни 50 ва ҳатто 100 мартагача йўтал тутади. Бундай давр икки ҳафта чамаси давом этиб, сўнгра бироз енгиллашиш ва аста-секин соғайиш даври бошланади. Кўкйўтал блан оғриган бемор касаллик юққандан бошлаб 40 кунгача юқумли бўлади, деб ҳисобланади. Агар бемор ҳамма ҳолларда ўз вақтидан кечикиб ёки ёмон даволанса, бошқа бир дардга ҳам йўлиқиши мумкин.

Юқорида баён қилинган юқумли касалликлар тез юқучан бўлиши сабабли, уларнинг олдини олиш учун бир қатор профилактика чораларини қўлланиш лозим. Чунончи: уй ёки хона доимо тоза ҳолда бўлиб, уни тез-тез шамоллатиб туриш тавсия этилади; кўрпа-ёстиқларни очиқ ҳавода, айниқса офтобда қиздириш керак, чунки офтоб нурлари юқумли касалликларнинг микробларини ўлдириб юборади. Бундан ташқари, алоҳида кўрпа-тўшак, алоҳида идиш-товоқ ва сочиқ тутиш, очиқ ва соф ҳавода кўпроқ юриш керак. Юқумли касалликларнинг олдини олишнинг энг муҳим воситаларидан бири ўз вақтида касалликка қарши эмлатишдир.

Болалар юқумли касалликлар блан оғриб қолса, дарҳол врачга мурожаат қилиб, уйга чақириш, унинг айтганларини аниқ бажариш керак. Ўз вақтида ва тўғри даволанган беморни ҳарқандай касалликдан сақлаб қолиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, касал болани то касалхонага етқизгунча уйда алоҳида ажратилган хонада даволаш зарур. Бундан ташқари беморнинг идиш-товоқларини ҳам алоҳида қилиб, ҳар овқатдан кейин қайноқ сув блан ювиб туриш лозим, шунингдек бемор тутган рўмолча ва сочиқ тўрвачага солиниб қайнатилиши ёки 2 соатгача 0,2 процентли хлорамин эритмасида тутилиши шарт.

Ана шуларга қат'ий риоя қилинган тақдирдагина юқумли касалликларнинг олдини олиш мумкин. Шунингдек, касаллик атрофлаги бошқа кишиларга юқмайди ва тарқалмайди.

М. ҚОДИРОВА,
Тошкент область Санитария маорифи уйининг бош врачи.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/V да **Юрак сирлари**, 20/V да **Оғриқ тишлар**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—18/V да **Боқчасарой фонтани**, 19/V да **Оққуш кўли**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/V да **Муқимий**, 19/V да **Азиз ва Санам**.

НАВОИЙ номли (қишки), «РОДИНА» кинотеатрларида — эрталаб соат 10 ва кеч 10 да **Бой келин**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6 гача янги бадиий фильм **Улар зулмат ичидан чиқиб келадилар**, кеч соат 6 дан **Бой келин**.

«ИСКРА» (қишки) — кеч соат 9 дан **Паяцлар**.

Тошкент шаҳар, Турк янги шаҳар кўча, Рисовий переулок, 6-нчи уйда туручи **Сарра Бенционовна Фельдманнинг** Туркманистон ССР, Мари шаҳар, Уральская кўча, 11-нчи уйда туручи Бень Сакович Тальянскийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиш бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва san'at бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 00790. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № — 1436.